БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 101 (1879) | 23 май, сешанба, 1961 йил | Баҳоси 2 тийин

БУТУН КУЧ—ҒЎЗА ПАРВАРИШИГА!

«Ғўзани яганалаш ва парвариш қилишга колхоз ва совхозлардаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг мумкин қадар кўпроқ қисми жалб қилинсин. ДАЛАДА ИШЛАЁТГАНЛАР УЧУН ЯХШИ МАДАНИЙ-МАИШИЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛСИН· аҳоли орасида оммавий-агитация ва тушунтириш ишлари кучайтирилсин. Иш шароитига қараб, тўғри норма белгилансин ва меҳнатга ЎЗ ВАҚТИДА ҲАҚ ТЎЛАБ ТУРИЛСИН· Умумий овқатланиш ташкил қилинсин, болалар муассасаларининг иши яхшилансин, меҳнат унумдорлигини ошириш учун колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ишни сифатли қилиб бажарганлари ҳолда белгиланган норма ни тўла ва ошириб бажаришлари учун барча шароит яратиб берилсин».

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Ғўза парваришини кучайтириш тадбирлари тўғрисидаги» қароридан).



Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозининг аъзолари бу йилги мўл ҳосил учун бошланган курашни қизитиб юбордилар. Суратда: 11 бригаданинг тракторчиларидан Ю-Бан. Юр ва Қурбон Алиев ўртоқлар ғўза қатор ораларига ишлов беримоқдалар.

М. Шевелев фотоси.

ЯРИМ ЙЎЛДА ҚОЛГАН ИШ

Раҳматов билан Холмўминов ёмғир ёғдирадиган машинанинг таърифини эшитганларида ҳанг-манг бўлиб қолдилар. Қандай қилиб бўлса ҳам шу машинани ўз бригадаларида ишлатишни чин кўнгилдан истайбошладилар.

Ўзбек тажриба ёмғир ёғдириш станцияси ходимлари Қозоғистоннинг «Пахтаорол» совхозида бу машинадан фойдаланилгани учун ҳосилдорлик анча ошганлигини таърифлаганларида Раҳматов билан Холмўминовнинг яна ишқибозликлари ошди.

Битта ёмғир ёғдирадиган машина билан бир суткада 10 гектар ердаги ғўзани қондириб суғориш мумкин. Сув иқтисод бўлади. Ўқариқ олиб суғорганга қараганда ёмғир ёғдирадиган машина билан суғорилса, баланд ва паст ердаги ғўзалар бир хилда қониқиб ўсади. Чунки сув тепадан тушади.

Ёмғир ёғдириб ғўза суғорадиган машинанинг бу хилдаги таъриф ва тавсифлари кўп. Биз машинанинг меҳнатни енгиллаштиришига, меҳнат унумини анча оширишига, сувни тежашига, энг муҳими ҳосилдорликни оширишига ва бошқа афзалликларига эътироз билдирмоқчи эмасмиз. Агар бу машина ҳақиқатан ҳам кўпгина яхши фазилатларга эга бўлса, унинг тезроқ ҳамма ерда кенг жорий этилишини истаймиз. Бироқ, айни пайтда бу машинага тарафдорлар ҳам бор, қарши турган, уни камситаётганлар ҳам бор. Чўнончи, Мирзачўлнинг энг шўрхок ерларига жойлашган Гулистон районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси агроном ўртоқ Тешабоев: «Кошки эди, ёмғир ёғдирадиган машина бизда бўлса, лекин нима қилайликки, бу машина ҳали жуда қиммат, кучимиз етмайди. Аслида ер шўрини ювишни мана шу машинага чиқарган»,— дейди. Баъзи ўртоқлар эса бу фикрга қўшилмаётирлар.

Ҳозир ўзбек тажриба ёмғир ёғдириш станцияси ходимлари мана шу икки хил фикрни бир ёқлик қилишлари, ёмғир ёғдирадиган машинани менсимаётганларга қарши амалда бу машинанинг аъло эканлигини кўрсатиб беришлари керак. Лекин илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган бу ишни жорий қилишда станция ходимлари жуда сустқашлик ва совуққонлик билан ҳаракат қилмоқдалар. Бунга 1-«Боёвут» совхозида ёмғир ёғдирадиган машинани ўрнатиш ишида станция ходимларининг айби билан ҳаддан ташқари кечиктириб юборилганини мисол қилиб кўрсатиш кифоя.

Бу йил тажриба учун 1-«Боёвут» совхозининг 4-бўлимида Шойимов, Эрназаров, 8-бўлимидаги Эргашев, Хўжаёров, Раҳматов ва Холмўминов ўртоқлар бошлиқ бригадаларда 6 та ёмғир ёғдирадиган машина ўрнатилиб, ишга туширилиши ва синаб кўрилиши мўлжалланган. Бу иш станция ходимлари раҳбарлигида бажарилиши лозим ва натижаси кузатиб борилиши керак эди. Шу иш бошлангандан бери станцияга жуда кўп одам келиб кетяпти. Лекин улар керакли вақтда жуда кам келадилар. Керак бўлмаган вақтда тўдалашиб юрадилар. Машиналар ва унга зарур бўлган иншоотлар 15 апрелгача тўла-тўкис тайёр қилиб қўйилиши, ҳозир ғўзалар шу машиналар ёрдами билан суғорилиши керак эди. Лекин белгиланган муддатдан бир ой вақт ўтиб кетган бўлса ҳам машиналар тўла ишга туширилмади. Қилиниши лозим бўлган 174 та иншоотдан эндигина 26 таси тайёр бўлди.

Совхоз директори ўртоқ Рашидовнинг айтишича, бу тадбирни амалга ошириш учун 60 тонна цемент, 7 тонна металл, 1200 метр супер ва яна қанча нарсалар керак. Лекин бу нарсалар тўла олинмаган.

8-бўлимнинг Раҳматов ва Холмўминов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ёмғир ёғдирадиган машина билан суғоришга мўлжаллаб чигит экилди. Ғўзалар униб ҳам чиқди. Айни пайтда ғўза парвариши қизғин давом этмоқда. Лекин бу икки бригада бошлиғининг қилган орзулари рўёбга чиқмади. Ғўза аллақачон суғорила бошланиши керак эди. Бироқ, ёмғир ёғдирадиган машиналарнинг ишга туширилишидан ҳамон дарак йўқ. Холмўминов билан Раҳматов роса сабртоқат билан кутишди. Охири уларнинг ҳам тоқатлари тўлиб, ёмғир ёғдиган машинадан воз кечишга мажбур бўлдилар ва ўқариқ олиб, ғўзани оддий усулда суғоришга киришдилар.

Ўртоқ Эргашев бошлиқ бригада даласининг бир четида қанот ёзиб турган ёмғир ёғдирадиган машина ҳали ҳам ишга тушмаган. Карта четида 5—6 киши қатор ўтиришибди. Булар орасида ўзбек тажриба ёмғир ёғдириш станциясининг агротехника бўлими бошлиғи Масленников ва совхоз механиги Рипат Сеттеров ўртоқлар ҳам бор. Бу тадбирнинг кечикиб кетгани тўғрисида гап очилганда уларнинг иккиси бир-бирини қоралай бошлади.

— Сизлар ўз вақтида ишбошига келиб турмаганларинг учун бир ишни икки мартадан қилишга мажбур бўлдик. Ҳамма вақт иш қилинаётганда эмас, иш қилиниб бўлгандан кейин келдинглар. Биз ўзимизча «битди» деган ишни сизлар келиб брак қилабердинглар. Шунинг учун бу иш чўзилиб кетди,— деди Сеттеров.

— Сиз нега ўзларингизнинг айбларингизни яширасиз, керакли цемент ва бошқа нарсалар ҳалигача олингани йўқ-ку,— деди Масленников.

Хуллас, бу муҳим тадбир ҳануз гача тўла амалга оширилмади. 6 та машинадан 2 таси ишлаб турибди, 2 таси «тайёр» дейилса ҳам ҳали иш бошлагани йўқ. Қолган икки машинадан биттаси учун «ДТ-54» трактори етишмайди.

Ўзбек тажриба ёмғир ёғдириш станцияси ходимларининг ҳам, совхоз раҳбарларининг ҳам бу ҳаттиҳаракатларини кечириб бўлмайди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Маккажўхорикорларнинг республика кенгаши

22 майда Тошкентда маккажўхорикорларнинг республика кенгаши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан чақирилган бу кенгаш ишида илғор бригада ва звеноларнинг раҳбарлари, механизаторлар, агрономлар, колхоз раислари ва совхоз директорлари, уруғчилик хўжаликларининг ходимлари, партия, совет, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг вакиллари — ҳаммаси бўлиб 400 дан ортиқ киши қатнашди.

Кенгаш қатнашчилари маккажўхорининг ҳосилдорлигини ошириш, маккажўхори силос массаси ва маккажўхори дони етиштиришни кўпайтириш ҳамда «дала маликаси» етиштиришда комплекс механизацияни кенг жорий қилишга доир масалаларни муҳокама қилдилар.

Донг чиқарган мўл ҳосил устаси, коммунистик меҳнат бригадаларининг раҳбарлари: Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозидан Любовь Ли ва Шофрикон районидаги Сталин номли колхозидан Очил Мўминовлар ўзларининг иш тажрибаларини айтиб бердилар.

Музокараларда 20 киши қатнашди.

Кенгашда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Г. А. Габриельянц, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев, Республика қишлоқ хўжалик министри Н. М. Маннонов ва Тайёрлаш министри М. Ю. Қурбонов, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг секретари М. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Совхозлар бош бошқармасининг бошлиғи Ж. Х. Хонэзаров, «Узсельхозтехника» Республика бирлашмасининг раиси М. И. Кичановлар қатнашди. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ

Партия группалари партиянинг энг қуйи ва жанговар звеносидир. Партия сафини синалган, софдил юрагида ўти бор, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлаётган илғор кишилар ҳисобига ўстириш, ёш коммунистларни тарбиялаш ва маъмуриятнинг хўжалик фаолияти устидан партиявий контролни изчил амалга оширишда партия группаларининг роли ғоят катта.

Ҳар бир корхонада, ҳар бир колхоз, совхозда план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши меҳнаткашларнинг сиёсий ва меҳнат активлиги кўп жиҳатдан партия группаларининг фаолиятига боғлиқдир. Партия группасига ишчан, ташкилотчи ва ташаббускор киши бошчилик қилаётган партия бюроси шу группага яқиндан ёрдам бераётган жойларда коммунистларнинг авангардлик роли таъминланмоқда, давлат плани ва олинган социалистик мажбуриятлар сўзсиз бажарилмоқда, кишиларда меҳнатга онгли муносабатда бўлиш каби ажойиб хислатлар тарбияланмоқда.

Ўзбекистон металлургия заводида 1959 йили ишлар бир мунча сусайиб кетган эди. Завод қишлоқ хўжалиги машинасозлик заводларидан бир талай пўлат қуйилмаси ва муҳим қурилиш объектларидан анча тунука қарздор бўлиб қолди. Нима сабабдан бундай кўнгилсиз ҳодиса рўй берди? Заводнинг ишлаб чиқариш қуввати камайиб кетдими, план имкониятдан юқори белгиландими ёки ҳамашё етишмадими? Йўқ, ҳаммаси нормал, ҳаммаси жойида эди. Фақат ишлаб чиқаришга партиявий раҳбарлик даражаси бўшаштириб юборилди. Шу туфайли мартен печлар қуввватидан максимал фойдаланилмади, металлни жадал эритиш, прокатстан пролётларининг бир меёрда ишлаб туриши таъминланмади, рекордчилар, ишлаб чиқариш илғорлари сони сезиларли камайиб кетди. Шундан кейин шаҳар партия комитетининг аралашуви билан завод партия комитетининг состави ўзгартирилди. Янги состав асосий цехлардаги партия группаларининг фаолиятини активлаштириб юборди. Жумладан, мартен цехи коммунистларига донгдор пўлат эритувчи, тажрибали мастер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хафиз Ғаниев бошлиқ қилиб сайланди. Ҳар бир коммунистга конкрет партиявий топшириқ берилди ва унинг бажарилиши зийраклик билан кузатиб борилди. Топшириқ берилган партия аъзо ва кандидатларига нисбатан талабчанлик кучайтирилди.

Шу йўл билан цехда ҳар бир сменада, ҳамма иш участкасида қаттиқ партия контроли ўрнатилди. Бирор жиддий камчилик юз бергудек бўлса, дарҳол партгруппа бу масалани муҳокама қилади. Цехда социалистик мусобақа оммавий-сиёсий ишлар чинакамига кучайтириб юборилди. Натижада 1960 йилдан бери бу цех ҳамма кўрсаткичлар бўйича социалистик мажбуриятини ортиғи билан бажариб келаётир.

Областимизда биринчилар қаторида коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган Чирчиқ электрокимё комбинати, Тошкент қоғоз комбинати ҳамда Тошкентдаги каноп йигирув-тўқув ва 1-пойафзал фабрикаларидаги партия группалари ҳам ўз коллективларига ҳар томонлама яхши бошчилик қилмоқдалар, ишлаб чиқаришни намунали ташкил этишда муҳим роль ўйнамоқдалар.

Гулистон районидаги «Гулистон» колхози ва Қуйи Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, «Малик» тажриба хўжалиги, Бўка районидаги Мичурин номли колхоз ва бошқа бир қатор қишлоқ хўжалик артелларидаги партия группаларининг иши ҳам ибратлидир. Мазкур партия группалари омманинг ижодий ташаббусига чинакам бошчилик қилмоқдалар. Бу группалардаги коммунистлар ишда шахсан намуна кўрсатиб, партиясиз оммани ўз ортларидан эргаштирмоқдалар. Шунинг учун ҳам ўтган йили бу хўжаликларнинг хирмони баракали, коллектив аъзоларининг юзи ёруғ бўлди.

Афсуски, ҳали областимизда партия группаларининг роли ва аҳамиятига яхши тушуниб етмаган, уларга етарли эътибор бермаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас.

Бекобод цемент комбинати биринчи кварталда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш планини бажараолмади. «Ўзбекшахтострой» трестида қурилиш қиммати белгиланганидан ошириб юборилаётир. Тошкентдаги 1-тўқувчилик фабрикаси ва кўн комбинати чиқараётган маҳсулотлар сифатига кўп эътироз билдирилаётир. Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳрида қурувчи ёшлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишлар қониқарли аҳволда эмас. Областимиздаги айрим колхоз, совхозларда кўкламги дала ишларининг бориши талабга тўла жавоб бермайди.

Мана шундай кўнгилсиз фактларнинг юз беришига даставвал ўша хўжаликлар партия ташкилотларининг фаолиятсизлиги, партия группаларининг омма ўртасида чинакам ташкилотчилик ишлари олиб бормаётганликлари сабаб бўлаётир. Партия бюролари ва район партия комитетлари эса уларга амалий ёрдам кўрсатмаётирлар.

Партия группаси — хўжаликка партиявий раҳбарликни амалга оширишда ҳал қилувчи звенодир. Бу звенони мустаҳкамлаш, унга малакали раҳбарлик қилиш, унинг жанговарлик қобилиятини ошириш ҳар бир партбюро аъзосининг, район партия комитетининг энг муҳим вазифасидир. Партия группалари ишидан доимо хабардор бўлиб туриш, уларнинг фаолиятидаги камчиликларни бартараф килиш, қимматли таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш — бошланғич партия ташкилоти ва партком секретарларининг, райком ва шаҳарком ходимларининг диққат марказида туриши керак. Шундай қилинганда партия группаларининг ролини ошириш таъсирини кучайтириш олинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш мумкин.

Партия группаларини ҳамма чоралар билан мустаҳкамлайлик ва уларнинг жанговарлик қобилиятини оширайлик.

СОВЕТ-БРИТАНИЯ САВДОСИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ УЧУН

МОСКВА, 20 май. (ТАСС). Москвада савдо-саноат виставкаси ўтказилиши туфайли Буюк Британия савдо министри Р. Модлинг ва Англия савдо-саноат доираларининг Совет Иттифоқида бўлишлари муносабати билан СССР Ташқи савдо министрлиги бугун катта қабул маросими уюштирди.

Қабул маросимида Н. Г. Игнатов, А. Н. Косигин, А. И. Микоян, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, В. В. Гришин ўртоқлар, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосарлари В. Н. Новиков, Д. Ф. Устинов, М. В. Хруничев ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Фрэнк К. Робертс, Британия савдо палаталари уюшмасининг раиси сэр Жейме Хатчисон, Британия тред-юнионлари конгресси бош кенгашининг раиси Эдварф Жон Хилл, Англия элчихонасининг ходимлари, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳам бор эди.

СССР ташқи савдо министри Н. С. Патоличев ва Буюк Британия савдо министри Р. Модлинг нутқ сўзладилар.

Қабул маросимида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади. Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Н. С. Хрушчевнинг Совет-Англия савдо муносабатларини янада ривожлантириш тўғрисидаги нутқини зўр эътибор билан тингладилар ва бу нутқ бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Қабул маросими қизғин, самимий, дўстона вазиятда ўтди.

СОВЕТ АРХИТЕКТОРЛАРИНИНГ УЧИНЧИ БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ ЎЗ ИШИНИ ТАМОМЛАДИ

20 майда Москвада Катта Кремль саройида совет архитекторларининг III Бутуниттифоқ съезди ўз ишини тамомлади.

Съезд қатнашчилари якдиллик билан СССР Архитекторлар союзи правлениесининг ишини қониқарли деб топдилар.

Сўнгра ревизия комиссиясининг доклади тасдиқланди.

Съезд қатнашчилари гулдурос қарсаклар билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советига табрикнома қабул қилдилар. Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетини ва ҳукуматни ишонтириб, совет архитекторлари ўз ишларидаги камчиликларни тугатиш учун бутун кучларини сарф қиладилар ҳамда бинокорлар ва бинокорлик материаллари саноатининг ходимлари билан биргаликда архитектуранинг ҳамма соҳаларини коммунистик қурилишнинг янги улуғвор вазифалари даражасига кўтарадилар, деб ваъда берадилар.

Съезд қатнашчилари СССР Архитекторлар союзи правленниесининг ҳисобот доклади юзасидан бир овоздан резолюция қабул қилдилар.

Етти йилликнинг дастлабки икки йилидагина икки мингдан ортиқ йирик саноат ва транспорт корхоналари ишга туширилди.

Съезд Совет Иттифоқининг ҳамма архитекторларини партия ва ҳукумат томонидан совет архитектураси олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажаришга даъват этди ҳамда мамлакатимиз меъморлари коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга ўзларининг бутун ижодий кучларини сарф қиладилар, деб Коммунистик партияни ва совет халқини ишонтирди.

Съезд СССР Архитекторлар союзи правлениесининг 120 кишидан иборат янги составини ва ревизия комиссиясини сайлади.

* * *

Ўша куннинг ўзида СССР Архитекторлар союзи янги составдаги правлениесининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Пленумда правление президиуми сайланди.

СССР Архитекторлар союзи правлениесининг биринчи секретари қилиб А. В. Власов сайланди. Правление секретарлари қилиб В. А. Бутузов, Н. М. Филипповская, Г. А. Шемякин, А. Ф. Шаров, Г. В. Головко, А. А. Любош сайландилар. (ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев бошчилигида Чехословакия Компартиясининг 40 йиллиги байрамида қатнашган КПСС делегацияси 20 майда Москвага қайтиб келди.

Внуково аэродромида КПСС делегациясини КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. А. Муҳитдинов ва бошқалар кутиб олдилар. (ТАСС).

Оммавий-сиёсий иш масалалари юзасидан кенгаш

Яқинда КПСС Марказий Комитетида оммавий-сиёсий иш масалалари юзасидан кенгаш бўлиб ўтди. Бу кенгашда иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, шаҳар ва район партия комитетларининг бир қанча секретарлари, область, ўлка партия комитетлари ва иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари пропаганда ва агитация бўлимларининг мудирлари ва мудир ўринбосарлари, айрим саноат корхоналари, колхоз ва совхоз бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, агитколлективларнинг раҳбарлари, агитаторлар уйларининг мудирлари ва агитаторлар, шунингдек маданий-оқартув муассасаларининг бир қанча ходимлари қатнашдилар.

Кенгашда идеология масалалари билан шуғулланувчи марказий муассасалар, ижодкор союзлар, матбуот, радио ва телевидениенинг раҳбар ходимлари иштирок қилдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги ва «Сталинo область меҳнаткашлари ўртасида оммавий-сиёсий ишнинг аҳволи ва бу ишни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорлари қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ахборотлар тингланди. Кенгаш қатнашчилари агитация ва пропаганда соҳасидаги тажрибалари ҳақида сўзлаб бердилар, камчиликларни кўрсатдилар ва партия ташкилотларининг идеология соҳасидаги ишларини янада яхшилаш юзасидан конкрет таклифлар киритдилар.

Кенгашда КПСС Марказий Комитетининг иттифоқчи республикалар бўйича пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Л. Ф. Ильичев нутқ сўзлади.

Ҳурмат тахтаси

Пилла тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область **Ҳурмат тахтасига** ёзиладилар:

Оржоникидзе районидаги **«Маданият» колхози** (раиси **Р. Эгамбердиев**, партия ташкилотининг секретари **У. Исломов** ўртоқлар). Бу колхоз 7227,1 килограмм пилла топшириб планини 103,2 процент бажарди. Қўшимча яна 700 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Калинин районидаги **Генерал Раҳимов номли колхоз** (раиси **М. Маъмуров**, партия ташкилотининг секретари **К. Латипов** ўртоқлар). Бу колхоз 6418 килограмм пилла топшириб, планни 106 процент бажарди.

Калинин районидаги **«Ленинизм» колхози** (раиси **Ғ. Умаров**, партия ташкилотининг секретари **В. Азизов** ўртоқлар). Бу колхоз 4501,5 килограмм пилла топшириб, планни 100 процент бажарди. Қўшимча равишда яна 1000 килограмм пилла топшириш мажбурияти олинди.

Оржоникидзе районидаги **Киров номли колхоз** (раиси **Н. Ғиёсов**, партия ташкилотининг секретари **Сулаймонов** ўртоқлар). Бу колхоз 11469,3 килограмм пилла топшириб, планини 104,3 процент бажарди.

ИККИ ҒЎЗАЛ



А. Холиқов чизган расм.

ПАХТА—

Хизматингдан кўнгиллар
хурсанд,
Тилларда сен машҳур Жўхори.
Парваришинг соз бўлса агар,
Бўй чўзасан доим юқори.
Малика деб айтганлари рост.
Сени барча севар азалдан.
Тишларинг дур, кокилларинг
зар,
Кийимларинг яшил бахмалдан.
Гавҳар экан донинг, силосинг,
Чорва еса гўшти ғарчча мой.
Сен сут-қатиқ булоғи экан,
Яшнайвергин асло чарчамай.

ЖУХОРИ—

Мени, дўстим, мақтадинг жуда.
Бебаҳосан сен ҳам турмушда.
Сендаги бахт, сендаги қадр
Йўқдир ҳатто олтин,кумушда!.
Сен ўзинг ҳам, азиз дугонам,
Чорвамизнинг мадори, эми.
Шелуханг ва ширин кунжаранг
Фермаларда қўйларнинг еми.
Ясантирар жонажон элни
Тўқилган у оппоқ толалар.
Эркалашиб, азиз номингни
«Пахтаой» деб атар болалар.
Қўлни-қўлга берайлик, дўстим,
Ҳосилимиз баланд тоғ бўлсин.
Жўхорикор, пахтакор дўстлар
Яна шону шарафга тўлсин!

Қ. МУХАММАДЖОН.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ШОДИБЕКОВ УЯЛИБ ҚОЛДИ

Колхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари Турсунқул Шодибеков оғир табиатли одам. Биз уни ўз кабинетида учратдик. Ундан колхоз бошланғич партия ташкилотининг иш фаолиятини сўраганимизда стол тортмасидан бир даста қоғозни олди-да, йил бошидан буён беш марта умумий партия йиғилиши, уч марта бюро чақирдик, деб жавоб берди. Бу гапнинг ёлғонлиги ўша заҳоти фош бўлди. Аслида тўрт марта умумий партия йиғилиши ва бир марта бюро чақирилган экан.

Биз мажлисбозликни ёқтирмаймиз. Кам ўтказамиз-у, мазмунли бўлади, — деди у қоғозларни йиғиштираркан.

Унинг бу гапидан сўнг партия йиғилиши ва бюрода кўрилган масалаларнинг тематикаси билан қизиқдик. 29 январдаги умумий партия йиғилишида чорвачиликнинг аҳволи, 18 февраль куни колхоз правлениесининг 1960 хўжалик йилининг ҳисоботи, 13 мартда кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик, 3 апрелда эса кўклам кампаниясига тайёргарлик ва экишнинг бориши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинган.

5 ой мобайнида бир мартагина чақирилган бюро мажлисида эса колхоз раисининг механизация бўйича ўринбосари Бўсиновнинг ҳисоботи эшитилган.

Колхоз бошланғич партия ташкилоти олдиндан тузилган план асосида иш қилмайди. Қачон мажлис чақирилиши керак бўлиб қолса, ўша куни иш план дафтарига пала-партиш жумлалар ёзиб қўйилади. Хатто, кўриладиган масалалардан бюро аъзолари ҳам бехабар қоладилар.

Турсунқул Шодибековнинг айтишича, колхозда мавжуд 25 бригаданинг дала шийпонларида колхозчилар учун иссиқ овқат ташкил қилинган. Бригада шийпонлари учун шнор ва плакатлар, радиоприёмниклар ва қишлоқ хўжалигига оид турли брошюралар олинган. Пахтакорларнинг ишдан сўнг маданий дам олишлари учун етарли шароит яратиб берилган. Маиший хизмат жойида.

Шундай бўлса жуда яхши. Қани далага чиқайлик, ўша шароитларни кўрайликчи.

«СУЮКЛИ» ВА «УГАЙ» БРИГАДАЛАР

Усмонқул Ҳайдаров бошлиқ бригада пахта майдони колхознинг марказини ўраб олган. Қўшни колхозлардан келган вакиллар, ўзаро текшириш бригадалари ва комиссиялар доим ана шу бригаданинг дала шийпонига олиб борилади.

Биз ҳам ўша «намунали» шийпонда бўлдик. Шийпон номигагина ремонт қилинган, стол ва скамейкалар у ёқда турсин, ерга тўшаб ўтиradиган полос ҳам йўқ. Ўртоқ Шодибеков айтган шиор ва плакатларни, брошюраларни ел учириб кетган бўлса керак. Колхоз идорасида даста-даста бўлиб чанг босиб ётган газета ва журналлар бу шийпон учун ҳам келтирилгандир-у, бироқ уларни олиб келиб бериш, пахтакорларни кундалик янгиликлардан хабардор қилиб туриш бригада бошлигининг ҳам, колхоз партия бюроси секретарининг ҳам эсидан чиқиб қолган.

Намунали деб мақталган дала шийпони шундай бўлса, бошқалари қандай аҳволда экан, деган фикр туғилди бизда. К. Шоҳимардонов бошлиқ 18-бригада дала шийпонига бордик. Бу ерда бўлган киши шийпон ичига киргани ҳоватирланади. Негаки, кўп вақтдан буён ремонт қилинмай, қаровсиз қолиб кетган бино зўрға турибди.

— Ҳеч бўлмаса сувчиларимиз учун иссиқ овқат ташкил қилсак яхши иш бўлар эди, — дея Т. Шодибековга мурожаат қилди бригада бошлиғи К. Шоҳимардонов.

«Ҳар бир дала шийпонида иссиқ овқат ташкил қилганмиз» деган Шодибеков ноқулай аҳволга тушиб қолди.

— Колхоз марказига яқин 2—3 бригадада иссиқ овқат ташкил қилиб, бизга ўхшаган узоқ бригаларни қуруқ қўйиш инсофданми, —деди бригадир жаҳл билан, — биз ҳам пахта берамиз, бизнинг одамларнинг ҳам қорни, нафси бор, ахир.

Колхознинг 17 ва 23-бригадалари аъзолари ишга 2—3 километр масофадан қатнайдилар. Ишлайдиган ерда салқин жой йўқлиги, иссиқ овқат, ақалли иссиқ чой ташкил этилмаганлиги туфайли улар тушки овқат вақтида ўз уйларига кетадилар. Бундай камчиликлар ишнинг унумли бўлишига зарар етказмоқда.

ЯСЛИЛАР ҚАНИ?

М. Музаффаров бошлиқ 17-бригадага кетаётиб, қизиқ воқеага дуч келдик. Беш-олти аёл ёш болаларини кўтариб, пахтазор томон борар эдилар. Шодибеков ва М. Музаффаровларга йўлиққач, улар дабдурустдан ҳасрат қилабошладилар:

— Мана биз ишга чиқдик, ўртоқ Шодибеков. — гап бошлади ёш болали Л. Ҳамроқулова. — Шундай долзарб кунларда бекор ўтиришни ҳеч ким истамайди. Лекин ваъда қилган яслингиз қани? Болаларимизни қаерга қўяйлик?

Бу колхоз марказидаги бригадада бўлаётган машмаша. «Суюкли» бригададаги аҳвол шундай бўлгач, қолганларида қандай эканини тасаввур қилиш қийин эмас, албатта.

Колхознинг 4 та участкасида марказий ясли бор. Шулардан биттаси ремонт қилиниб, ишга туширилган, холос. Қолган учтаси қаровсиз ётибди. Ҳар бир бригадада 20—25 ёш болали аёллар бўлгани ҳолда, жойларда кўчма яслилар ташкил қилинмаган.

Партбюро секретарининг ўзи уялмай-нетмай йўқ нарсаларни бор, ёмон аҳволни яхши деб юриши кишини таажжубландиради.

ОҚИБАТ

Колхозда бу йил 1970 гектар ерга чигит экилди. Ҳар гектар ердан 25 центнердан оқ олтин етказиб бериш мажбурияти олинди. Бу аҳдни дўндирмоқ учун колхоз правлениеси ва партия ташкилоти зўр ташкилотчилик қилмоғи, ҳамма кучларни ишга солмоғи керак. Дала ишларини ҳозирдан пухта олиб бориш, ғўзаларни меҳр билан парвариш қилиш зарур. Лекин колхоз партия ташкилотининг секретари Т. Шодибеков, раис М. Ибрагимов, унинг ўринбосари Қурбонов ўртоқлар масъулиятни мутлақо ҳис этмаётирлар, ишга дуруст раҳбарлик қилмаётирлар. Буларнинг бепарволиги, ишни бирбирига ташлаб қўйганлиги, механизаторлар учун етарли шароит яратиб бермасликлари натижасида ишчи кучларидан тўла фойдаланилмаётир. Далада ишнинг сифати паст. 1970 гектар ернинг 930 гектарида текис униб чиққан кўчатлар бегона ўтлар орасида кўринмайди. Тузилган график бўйича 25 майгача ягана ва биринчи ўгитлаш тамомланиши, 28 майда эса барча майдондаги ғўзалар биринчи сувдан тўла чиқарилиши керак. Ҳақиқатда, эндигина 450 гектар ердаги ғўза ягана қилинган.

Колхознинг 25 пахтачилик бригадасига 33 сувчи ажратилган. Улар бир кунда 36 гектар ердаги ғўзани суғормоқда. Шу кунгача 400 гектарга яқин ердаги ғўза биринчи сув ичди, қолгани чанқаб ётибди. Шуниси ачинарлики, ариқларда сув бекорга оқиб ётибди.

Д. Ортиқбоев, П. Николай бошлиқ бригадаларда ҳали ягана, чопиқ, суғориш ишлари бошланғани ҳам йўқ.

Бўка районида йирик ҳисобланган «Ленин йўли» колхозидаги аҳвол мазкур хўжалик раҳбарларини ташвишлантирмаётган экан, район раҳбарлари бу хўжалик билан, унинг раҳбарлари билан жиддий шуғулланишлари, тошилинч чора кўришлари керак. Бунда колхоз партия бюросининг жанговарлигини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

С. ШОКАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ҲАЛИ ҚАДАМ ҚЎЙИЛМАГАН ЯНГИ ЙЎЛЛАРНИНГ РАЗВЕДКАЧИЛАРИ

Етти йилликнинг учинчи йили баҳори колхоз ва совхозларнинг ишларига кўпгина янгиликлар киритди. Қишлоқ хўжалик органлари қайтадан ташкил қилинди, тажриба-намуна хўжаликлари бунёдга келтирилди, бу хўжаликлар фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга жорий қилишда таянч пунктлари бўлишлари лозим.

Ўзбекистонда 110 та ана шундай тажриба-намуна хўжаликлари ташкил этилди. Бу хўжаликларда ишлаш учун қўшимча равишда 625 мутахассис —агрономлар, инженерлар, экономистлар, ирригаторлар, энтомологлар юборилди. Улар КПСС XXII съездига тайёргарлик олиб борилаётган шу кунларда ўз ишларини қай тарзда ташкил қилмоқдалар, ана шу хўжаликлар ҳамма колхоз ва совхозларга ўрнак бўлиши учун, деҳқончилик маданиятининг юксак даражада эканлиги билан фарқ қилиши учун нималар қилмоқдалар? Тажриба-намуна хўжаликлари раҳбарларининг 20 майда Тошкентда ўтказилган республика кенгашида ана шу масалалар муҳокама қилинди. Кенгашда область қишлоқ хўжалик бошқармаларининг бошлиқлари, илмий тадқиқот институтлари, тажриба станцияларининг мутахассислари, республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбар ходимлари қатнашдилар.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри **Н. М. Маннонов** томонидан қилинган докладни муҳокама этишда ўн етти киши сўзга чиқди. Кенгашда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов қатнашди.

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

Докладчи, шунингдек музокараларда сўзга чиққан Фарғона область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **А. Е. Юдин**, Сурхондарё область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **М. С. Истомин**, Бухоро область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Ф. И. Ишченко**, Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Д. М. Молчанов**, Андижон область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **П. М. Бодров**, Самарқанд область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Ш. Мўминов**. Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалик министри **Ю. Қурбонов** ва бошқа нотиқлар қишлоқ хўжалик органларини қайта ташкил қилиш ва тажриба-намуна хўжаликлари фаолиятини йўлга қўйиш соҳасида катта ишлар асосан бажарилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Бироқ бир қанча областларда, жумладан Тошкент, Бухоро, Андижон областларида бу хўжаликлар тажрибали мутахассислар билан ҳали тўла равишда таъминланганлари йўқ. Бу хўжаликларнинг кўпчилиги қандай ишлар олиб боришларини, қандай ишлашни кераклигини ҳали етарли равишда билмайдилар.

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ғўза ўсимлиги бўйича бош мутахассиси **Б. П. Фирсов** республика илмий тадқиқот муассасаларини ҳақли равишда танқид қилди. У, намуна хўжаликларига илмий-методик жиҳатдан раҳбарлик қилиши лозим бўлган область тажриба станциялари ташкил қилинмагунча, шу институтларнинг ўзлари қишлоқ механизаторларига катта ёрдам беришлари кераклигини кўрсатиб ўтди. Афсуски, ана шу хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантиришнинг бу йилги мукаммал программасини мутахассислар билан ҳамкорлинда ишлаб чиқиш учун жуда оз олим колхоз ва совхозларга бормоқдалар.

Кенгашда район тажриба-намуна хўжаликлари ташкил қилинганлиги шу атрофдаги колхоз ва совхозлардаги ишларнинг аҳволига ижобий таъсир кўрсатганлигини қайд қилинди. Олтинариқ районидаги «Ленинград», Тўрткўл районидаги Димитров номли, Поп районидаги Ленин номли колхозларда, «Ҳазорбоғ», «Малик», «Пискент» совхозларида ва қўпгина бошқа хўжаликларда бир неча мартадан кўргазма-семинар ўтказилди. Бу семинарларда қатнашган механизаторлар бригада ва звеноларнинг бошлиқлари, агрономлар, инженерлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ерни тайёрлаш, экиш, ўғит солиш, экинларни яганалаш, суғориш, экин майдонларини культивация қилиш сингари қишлоқ хўжалик ишларини қандай қилиб тўғрироқ ва яхшироқ ташкил қилиш ишн билан амалий тарзда танишдилар. Улар илғорларнинг тажрибаларини ўрганиб, эндиликда ўз хўжаликларининг далаларида қишлоқ хўжалик ишларини ишнинг кўзини билиб, ташкил қилмоқдалар.

«Машъалларнинг» тажрибаларини ҳамма хўжаликларда пропаганда қилиш ва бу тажрибаларни ёйишнинг хилма-хил усулларини ишлаб чиқиш ҳақида истак билдирилди. Орқада қолаётган хўжаликларга илғорларнинг бориб тушларини уюштириш керак. Ана шундай қилинганда илғорлар колхозчилар, звено ва бригада бошлиқларига, механизаторларга янги илғор иш усулларини бевосита ўргатиб, экинларни парвариш қилишда, чорва молларини боқишда йўл кўрсатаётган камчиликларни тугатишда ёрдам берган бўлар эди.

Самарқанд область қишлоқ хўжалик органлари ходимларининг ташаббуси маъқулланди. Улар илғорларнинг ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи тўпламни босмага тайёрламоқдалар.

Сурхондарё областида ва бошқа областлардаги тажриба-намуна хўжаликлари илмий техника кенгашлари томонидан қилинган ишлар диққатга сазовордир. Бу кенгашлар чопиқ қилинадиган экинларга ишлов бериш, ем-хашак тайёрлаш, чорва молларини ёзги яйловларга чиқариш ва уларни боқиш даври учун агрономия ва зоотехника тавсияномаларини ишлаб чиқдилар.

ТАЖРИБАЛАРНИ ЎРТОҚЛАШИШ, ҚЎШНИЛАРГА ЁРДАМ БЕРИШ КЕРАК

Кенгаш қатнашчилари «Малик» тажриба-намуна совхозининг директори **С. А. Бочкаревнинг** сўзини зўр эътибор билан тингладилар. Бу совхознинг коллективи янги шароитдаги ўз ишларининг дастлабки қадамларидан бошлаб, деҳқончилик маданиятини янада баландроқ кўтаришга, уруғчилик ишларини яхши ташкил қилишга, наслчилик ишларини моҳирлик билан олиб боришга интилмоқда.

Совхоз мутахассислари ўзлари орттирган тажрибаларни ўз қўшнилари билан доим баҳам кўриб келмоқда. Улар «Гигант» колхозида қишлоқ хўжалик техникасидан фойдаланишни тўғри ташкил қилишга ёрдам бердилар, бу эса чигит экишни қисқа муддатларда ўтказиш имконини берди. Совхоз шу атрофдаги хўжаликларга эллик минг бошга яқин зотдор жўжа ва ўрлак болалари берди, сут берадиган наслдор молларни кўпайтиришга ёрдам бермоқда.

Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозининг механизаторлари чопиқ агрегатларининг юқори тезликларда ишлашини ташкил қилдилар. Сталин номли, Калинин номли ва бошқа колхозлар ҳам ана шу тажрибани ўзларида жорий қилдилар.

Новаторлар деҳқончилик ва чорвачиликни ривожлантиришда кейинда қолаётган хўжаликларга ёрдам бераётганликлари ҳақида яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Тажриба-намуна хўжаликлари ишлаб чиқаришнинг юксак даражасига ҳали эришмаган ўз қўшниларига турли йўллар билан таъсир кўрсатмоқдалар. СоюзНИХИ Фарғона зонал тажриба станциясининг директори **Х. С. Сатторов**, Тўрткўл районидаги Димитров номли колхознинг экономисти **А. М. Жагинов**, Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси **Ш. Назаров**, «Пискент» совхозининг директори **А. В. Киселев** ва бошқа кишилар ўз сўзларида шу ҳақда гапирдилар.

Нотиқлар шуни кўрсатиб ўтдиларки, Қорақалпоғистондаги, Хоразм ва бошқа областлардаги тажриба-намуна хўжаликларининг ҳаммаси ҳам машиналардан фойдаланишнинг янги прогрессив усулларини, экинларни парвариш қилиш, чорва молларини боқишнинг янги прогрессив усулларини жорий қилишда ташаббускорлик кўрсатаётганлари йўқ, фан ва практика ютуқларини ўзларида суст жорий қилмоқдалар. хизмат кўрсатилаётган зоналардаги колхоз ва совхозларда илғор тажрибаларни ёйишга қониқарсиз ёрдам бермоқдалар.

Бунда эн аввало мутахассислар — ишлаб чиқариш турли тармоқларининг ташкилотчилари айбдирлар. Уларнинг вазифаси экиш, далаларни ишлаш ёки ҳосилни йиғиб олиш даврида вужудга келадиган муҳим масалаларни олдий ходимлар билан биргаликда шу ернинг ўзида тез ва оператив ҳал қилишдан иборатдир. Шунга қарамай, агрономлар, инженерлар, экономистларнинг ҳали ҳаммаси ҳам ўзларига топширилган ишни яхши бажараётганлари йўқ. Шу сабабли тажриба-намуна хўжаликларини қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида турган улкан вазифаларни ҳал қилишга қодир бўлган энг малакали, қобилиятли ва ишчан мутахассислар билан мумкин қадар тезроқ мустаҳкамлаш партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидир.

ҲАММА СОҲАДА ЎРНАК БЎЛИШ КЕРАК

Кенгаш қатнашчилари республика қишлоқ хўжалик министрлиги томонидан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон ССР район тажриба-намуна хўжаликлари ҳақида муваққат низом»ни маъқулладилар ва шу муносабат билан ўзларининг мулоҳазалари ҳамда фикрларини баён қилдилар. «Сойбой» совхозининг директори **У. Саримсоқов**, Шофиркон районидаги «Коммунизм» колхозининг агрономи **К. Ширинов**, СоюзНИХИ директорининг ўринбосари **М. А. Белоусов** ва бошқалар янги илғор ишларнинг разведкачилари тажриба-намуна хўжаликлари ҳар бир соҳада ўрнак кўрсатиб, барча колхоз ва совхозларни ривожлантириш йўлларини машъал каби ёритишлари керак.

Пахтакор районидаги «Коммунизм» колхози пахтачиликни комплекс механизациялаштириш соҳасида ана шундай машъалдир. Ўтган йили бу ерда яхшигина ҳосил етиштирилди, бу ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан терилди олинди. «Ҳазорбоғ» совхозида 3 минг гектар ернинг ҳар гектаридан 35,1 центнердан, Ленин районидаги «Сталинчи» колхозида 33,1 центнердан пахта етиштирилди. Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида маккажўхори майдонларининг ҳар гектаридан 1850 центнердан думбул сўтаси билан ўкпоя йиғиб олинди. Гурлан районидаги Сталин номли колхозда ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 60,4 центнердан шоли олинди. Поп районидаги Ленин номли колхозда яроқли ерларнинг ҳар 100 гектари ҳисобига 71 центнердан гўшт ва 194 центнердан сут етиштирилди.

Ана шу хўжаликлар ва қўпгина бошқа хўжаликлар бу йил тажриба-намуна хўжаликлари қилиб қайтадан ташкил қилинди. Янгича ишлашнинг дастлабки кунларидан бошлаб улар ўз ишларини шундай ташкил қилишга ҳаракат қилмоқдаларки, эришилган ютуқларни мустаҳкамлабгина қолмай, балки ўз тараққиётларида янада баландроқ поғонага кўтарилиб, яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига энг кўп миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни таъминлаш мумкин бўлсин.

Кенгашда тўғри алмашлаб экишни жорий қилиш—тажриба-намуна хўжаликларининг биринчи галдаги вазифалари эканлиги кўрсатиб ўтилди. Бедазорларни ва маккажўхори майдонларини кенгайтирмасдан туриб бу ишни амалга ошириш мумкин эмас. Шунга қарамай, ана шу экинлар далалардан ўзларига яраша майдонларни хали эгаллаганларича йўқ.

Пахтачиликни комплекс механизациялаштириш — ғоят муҳим тадбирдир. Колхоз ва совхозлар тобора кўпроқ тракторлар, пахта териш агрегатлари ва бошқа машиналар олмоқдалар. Ана шу ажойиб техниканинг қувватидан тўлароқ фойдаланиш керак.

Етти йилликнинг учинчи йилида республиканинг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта, дон, пилла, гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар етиштириш юзасидан юксак мажбуриятларни мўлжаллаб қўйдилар. Тажриба-намуна хўжаликларининг коллективлари ана шу мажбуриятни қандай қилиб қўлга киритишда амалда намуна кўрсатишлари ва КПСС Марказий Комитети январь Пленуми томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда бошқа колхоз ва совхозларга ёрдам беришлари керак.

(ЎзТАГ).

КПСС XXII СЪЕЗДИ шарафига



Тошкентдаги трактор-йиғув заводининг коллективи бу йил пахтакорларга 9 минг та трактор етказиб бериш учун курашмоқда. Суратда: корхона майдонида тайёр тракторлар вагонларга ортилмоқда. Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚУРИҚ ЕРДАГИ ҚУРИЛИШЛАРГА

Оҳангарондаги «Узбекшахтострой» трести бинокорларидан 20 киши Қўрнқ ўлкага жўнаб кетди. Янги ўзлаштирилган ерларни обод қилиш истаги билан ғайрат камарини белга боғлаганлар орасида дурадгорлардан Р. Набиев, Г. Муҳамадиев, В. Криницкий, ғишт терувчи Т. Зарипов, арматурачи Х. Сагадиев, бетончилардан Т. Дадахонов, А. Летов ва бошқа ўртоқлар бор.

Ўзбекистон бинокорлари Қустанай чўлида қад кўтараётган энг катта Қўйбоқар дон омбори ва уй-жой бинолари қурилишида ишлайдилар.

ИШ ЖАДАЛЛАШДИ

Вревский станцияси яқинида мактаб-интернат қураётган бинокорлар коллективи партия XXII съезди шарафига мусобақани қизитиб, ишни кун сайин жадаллаштирмоқда. Мактаб биносини муддатидан илгари фойдаланишга топширишга бел боғлаган бинокорлар ойлик топшириқларни мунтазам ошириб адо этаётирлар.

Бригадалар ўртасидаги ўзаро социалистик мусобақада Г. Даминов бошчилик қилаётган ғишт терувчилар бригадаси пешқадамлик қилмоқда. Улар топшириқларни мунтазам равишда бир ярим баравар ва ундан ҳам ошириб бажаришяпти. Бинокорлардан Р. Миндурбоева, Р. Қулаҳмедова, Ким Николай, В. Рамахин ва бошқа ўртоқлар ишда ўз касбдошларига ўрнак бўлишаётир. Улар нормани икки ҳиссадан ошириб бажармоқдалар.

Янгийўлдаги 976-УНРнинг ўртоқ С. Аширов бошчилигидаги бу прораблик коллективи мактаб-интернат корпусларини планда белгиланганидек 22 декабрда эмас, балки 17 октябргача қуриб битказиш учун астойдил курашмоқда.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

АВТОМАТЛАР ЯРАТИШМОҚДА

«Узбекоргэнерго»га қарашли марказий ишлаб чиқариш илмий-текшириш лабораториясининг ходимлари автоматлар яратиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш соҳасида дурустгина ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Партия XXII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашни қизитиб юборган коллектив қоғоз станоклар тайёрлайдиган автоматнинг лойиҳасини тузди.

Бошқа соҳаларда ҳам тадқиқот ишлари олиб борилаётир. Мис қуюлмаларини зангдан тозалаш оғир жараён ҳисобланарди. Бу иш асосан қўлда бажарилиб, кўп меҳнат талаб қилар, қўшимча маблағ сарфланарди. Лаборатория ходимлари бу жараённи механизациялашга муваффақ бўлдилар. Буининг учун қуюлмани зангдан ва бошқа ифлосликлардан тозаловчи махсус қурилма яратилди. Унда қуюлма ишқор ёрдамида тозаланади.

Конструкторлар «Восток» холодильнигининг ичига қўйилган аммиак эритмасининг концентрацияси миқдорини аниқлайдиган асбоб яратиш бўйича олиб борилаётган ишни тугатиб қўйишди. Бу электрон автомат асбоби эритма концентрациясини ўлчашни тубдан енгиллаштиради, холодильникдаги сифатини яхшилашга ёрдам беради.

Қ. ОДИЛОВ,
«Узбекоргэнерго» техника бўлимининг бош инженери.

ҲАММАГА НАМУНА

Оҳангарон цемент заводи қурилишида ишлаётган бинокорлар ўртоқ Абдувоҳоб Йўлдошев бригадаси аъзоларининг номини алоҳида ҳурмат билан тилга оладилар. Чунки бу меҳнатсевар бригада аъзолари ишда ва турмушда бошқаларга намуна бўлаётирлар. Съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган бригаданинг кунлик иш кўрсаткичи кейинги кўнларда 140—150 процентдан пастга тушмайдиган бўлиб қолди. Айниқса А. Жўраев, Х. Қодиров, С. Қаюмов, Р. Эргашев ва бошқа ўртоқлар смена топшириқларини икки ҳисса адо этиб, жонбозлик кўрсатиб ишлаётирлар.

— Биз коммунистик меҳнат бригадаси деган шарафли номга эга бўлиш учун курашаётирмиз, — дейди ўртоқ А. Йўлдошев. — Жонажон партиямизнинг XXII съезди очиладиган кунгача йиллик планимизни бажариш ва юксак нонни олишга қарор қилганмиз.

Бригада аъзолари яхши ишлаш билан бирга, ўз малакаларини оширишга, қўшимча касб-ҳунар эгаллашга алоҳида эътибор беradилар. Улар ойлик топшириқларни 120—130 процентдан ошириб бажаришяпти. Бинокорлардан Р. Миндурбоева, Р. Қулаҳмедова, Ким Николай, В. Рамахин ва бошқа ўртоқлар ишда ўз касбдошларига ўрнак бўлишаётир. Улар нормани икки ҳиссадан ошириб бажармоқдалар.

Янгийўлдаги 976-УНРнинг ўртоқ С. Аширов бошчилигидаги бу прораблик коллективи мактаб-интернат корпусларини планда белгиланганидек 22 декабрда эмас, балки 17 октябргача қуриб битказиш учун астойдил курашмоқда.

А. АБДУРАҲМОНОВ.

ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

Шу йилнинг ёз ойида Островский номли шаҳар пионерлар саройи ҳаётида қувончли воқеа юз беради — республикамиз жамоатчилиги бу тўнғич тарбия ўчоғи ташкил этилган кунининг 25 йиллигини кенг нишонлайди.

Пионерлар саройи катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Ташкил этилган дастлабки йилларда унинг бор-йўғи 9 та тўгараги бор эди. Уларга қатнашаётган пионер ва ўқувчиларнинг сони 30 дан ошмасди. Йиллар ўтди. Сарой болаларнинг чинакам севимли тарбия ўчоғига айланди. Ҳозир бу ерда 50 дан ортиқ тўгарак мунтазам ишлаб турибди. Уларга эса 3 мингдан ортиқ бола жалб этилган.

Тарбия ўчоғи ўз фаолияти давомида кўпгина таниқли кишиларни тарбиялаб вояга етказди. Ҳозир республикамизнинг турли илмий ташкилотлари ва муассасаларида фаол меҳнат қилаётган олимлар, ёзувчилар, инженерлар ва ўқитувчилар сарой тарбиясидан баҳраманд бўлган. Т. Эрназаров, Ғ. Жаҳонгиров каби журналистлар, З. Обидов, Э. Воҳидов каби талантли ёш шоирлар ҳам сарой тўгаракларининг актив аъзолари эди.

Сарой ўз фаолиятини пойтахт мактаблари иши билан боғлаб олиб бораётир. Шунинг учун ҳам бу ерда ишлаб турган техника ва фан тўгаракларига кўплаб ўқувчилар актив қатнашмоқда. Таълимнинг ишлаб чиқариш билан боғланишини мустаҳкамлашда ҳам саройнинг хизмати катта.

Тўгараклар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ҳатто айрим тўгаракларда тайёрланган кўргазмали ўқув қуроллари ва қимматбаҳо буюмлар Ватанимиздаги кўпгина шаҳар пионерлар саройлари аъзолари эътиборини ўзига жалб қилди. Ёш мичуринчилар тўгараги аъзолари эса Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди. Ҳозир сарой айрим чет эл мамлакатларининг пионерлари билан дўстона алоқа боғлаган.

Бу ерда юбилей олдидан катта тараддуд кўрилаяпти. Пионерлар азиз меҳмонлар учун турли-туман совғалар ҳозирлашмоқда. Ранг-баранг номерлардан иборат концерт программалари ва саҳна асарлари ҳам тантанали кунларда намойиш қилинади.

Ёш авлоднинг меҳнатсевар ва билимдон бўлиб етишишида сарой коллективи бундан буён ҳам самарали ишлайди.

Б. ПУЛАТОВ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“
2-БЕТ, 23 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“ ТАШАВТОМАШ Заводида

КООПЕРАЦИЯ ПЛАНИ НЕГА БАЖАРИЛМАЁТИР?

«УЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИНИНГ ДИРЕКТОРИ ЎРТОҚ В. ТЕРЕНТЬЕВ, ЖАВОБ БЕРИНГ!

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш тадбирларини белгилади. Пленум кўрсатмаларини амалга ошириш фақатгина қишлоқ меҳнаткашларининг ўзига боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки саноат корхоналари, айниқса қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарувчи корхоналарга ҳам бевосита боғлиқдир.

Пахтани қоп-қанорсиз ташувчи прицеп ҳамда автомашиналар учун запас қисмлар ишлаб чиқараётган бизнинг «Ташавтомаш» заводимиз шу йил биринчи квартал ва апрель ойи планларини бажара олмади. Маълумки, планнинг бажарилишини таъминлашда корхоналар ўртасидаги ўзаро кооперация йўли билан хомашё етказиб бериш муҳим роль ўйнайди. Ана шунинг учун ҳам заводимиз ўз планини бажараолмаётганига бевосита сабабчи бўлаётган «Узбекселькомаш» заводи раҳбарларига, шахсан унинг директори Ўртоқ В. Терентьев адресига бир-икки оғиз аччиқ сўзлар айтмоқчимиз.

«Узбекселькомаш» заводи «Ташавтомаш» заводига кооперация йўли билан 30,7 миллиметр диаметрли калибрланган металл етказиб бериши лозим. Бироқ, нима сабабдандир, заводимиз коллективи кооперация планида кўрсатилган миқдордаги металлни тўла ва ўз вақтида олмаётир. Шу сабабли заводимиз плани, хусусан запас қисмлар цехининг плани бажарилмаётир. Ўртоқ В. Терентьев, ўзингизга беш бармоқдай маълум бўлган қуйидаги фактларга мурожаат қилайлик: **заводингиз январь ойида планда кўрсатилган 65 ўрнига 32 тонна, февраль ойида 65 тонна ўрнига 46,8 тонна, март ойида эса пландаги 135 тонна ўрнига 71 тонна 920 килограмм калибрланган металл етказиб берди, холос.**

Кооперация планининг тўла бажарилишини талаб қилиб адресингизга ёзилган қанчадан-қанча хатлар жавобсиз қолиб келмоқда.

Жонажон партиямизнинг XXII съезди шарафига умумхалқ социалистик мусобақаси кенг авж олган ҳозирги пайтда планни бажаролмай юзимиз шувит бўлиб қолаётганига Сиз ҳам айбдорсиз, Ўртоқ В. Терентьев! Биз Сизнинг қуйидаги саволимизга тезроқ жавоб қайтаришингизни истардик: «Кооперация йўли билан ҳомашё етказиб бериш планининг бузилиш ҳолларига қачон барҳам берилади?».

И. ЛУКЬЯНОВ,
завод партия ташкилотининг секретари,

А. ГОРОШИН,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.

БОСИЛМАГАН ХАБАРЛАР ИЗИДАН

Интизомсизлик ва хиёнаткорлик учун ишдан олинди

«Узбекселькомаш» заводида тунги сменада ишлаб, 19-маршрут автобусида уйларига жўнаб кетмоқчи бўлган ишчилар кўпгина қийинчиликларга дуч келадилар: машина ҳайдовчилар белгиланган графикка риоя қилмай, машинани пул келадиган томонга ҳайдаб кетадилар. Ҳар бир машинани бир соатлаб кутишга тўғри келади. Шоферлар, айниқса «ТНА 23—75» номерли машинанинг шофери Кулинец пассажирлар билан ёмон муомала қилади, йўл ҳақи учун пул олиб, билет бермайди. Булар устидан кечқурунлари ҳеч ким контроллик қилмайди.

Редакцияга келган хатларнинг бирида, шулар айтилган эди.

Шаҳар автобуслар трести бошқарувчисининг ўринбосари ўртоқ Б. Киршенбергнинг редакцияга маълум қилишича, хабар 1-автобазанинг 3-автопарки коллективи мажлисида муҳокама қилинган ва унда келтирилган фактлар тўғри деб топилган.

Шофер Кулинец безорилиги ва хиёнаткорлиги учун вазифасидан четлаштирилган ва автопарқдан бўшатиб юборилган.

19-маршрутда автобусларнинг аҳолига хизмат кўрсатишини яхшилаш мақсадида машина ҳайдовчиларнинг иши устидан контроль кучайтирилган. Автобусларга радиоусилитель ва микрофонлар ўрнатилган.

Ғўза зараркунандалари: шира, трипс, ўргимчакканага қарши ҳозирдан бошлаб курашайлик!

Ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлишини таъминлаш пахтадан мўл ҳосил олишнинг асосий омилидир.

КУЛЬТИВАЦИЯ, СУҒОРИШ, ОЗИҚЛАНТИРИШ ИШЛАРИНИ БИР-БИРИГА БОҒЛАБ УТКАЗИБ барча майдонларда олинган юксак мажбуриятимизни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш учун ҳозирги кунларнинг ҳар соати ва ҳар минутидан унумли фойдаланайлик.

БУ ЙИЛГИ ШАРОИТДА СУВДАН ТЕЖАБ-ТЕРГАБ ФОЙДАЛАНИШ ВА ҒЎЗАНИ ҚОНДИРИБ СУҒОРИШ КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА. Сувчиларнинг унумли меҳнат қилиши учун барча имконият ва шароит бут бўлсин.



Суратда: бригада бошлиғи Фикрет Сефершаев билан механизатор Суяр Ибрагимов ғўза қатор ораларига ишлов беришнинг сифатини кўздан кечиришаяпти.

ҒАЙРАТИНГИЗГА БАЛЛИ

Деҳқоннинг қанчалик ғайрагшижоат билан меҳнат қилганлиги ғалвир сувдан кўтарилганда билинади. Кимки пешона тери тўкиб меҳнат қилган бўлса, унинг юзи ёруғ бўлади, ўзини бошқача ҳис этади.

Лекин, «Қизил Октябрь» колхози пахтакорлари ўтган йили ғалвирни сувдан кўтарганда қувноалмадилар. Колхоз йиллик пахта тайёрлаш планини бажараолмади, давлатдан қарздор бўлиб қолди. Бу колхоз пахтакорларини доғда қолдирди. Улар майли, бу йил ютказдик, юзимиз шувит бўлди, аммо бу хатони келгуси йил сира такрорламаймиз дейишди. Ваъдага вафо марднинг иши деганларидек, улар эрта кўклamданоқ чигит экиладиган барча майдонларни сифатли шудгор қилдилар. Кўклам қанотини қоқиб келиши билан ерларга чигит қадалди. Саноқли кунлар ўтиши натижасида чигит ниш урди. Мана, колхоз пахтазорларига бир боқинг-а, далалар кўмкўк, ям-яшил квадратлар эътиборингизни бешхиёр ўзига тортади. Пахтазорда меҳнат жўш уради. Ҳамма ўз иши билан банд. Кимдир ягана қилаяпти, бошқа биров эса машинанинг рулини дадил бошқараяпти.

Айниқса, Тошпўлат Акромов, Абдулла Сатторов, Исроил Жалилов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадаларда ғўза парвариши қизғин тус олган. Бу бригадаларнинг ғўзаси аллақачон биринчи парваришдан чиқарилди. Ғўзаларни озиқлантириш ва сув тараш ишлари қизғин давом этяпти.

Т. СОЛИЕВ.
Сирдарё райони.

40 центнер учун бел боғлаганлар

Гулистон районидаги «Гулистон» совхозининг 1-бўлимидаги Жўра Элмуродов бошлиқ бригада аъзолари ўтган хўжалик йилини ажойиб меҳнат муваффақиятлари билан якунлаган эдилар. Ҳар гектар ердан 32 центнер ўрнига 35 центнердан «оқ олтин» етиштирилди. Бригада аъзолари қўлга киритилган бу муваффақиятни мустаҳкамлаш мақсадида бу йил янада зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнерга етказиб ҳосил кўтариш, жонажон партиямизнинг навбатдаги XXII съездини ёруғ юз билан кутиб олиш учун бел боғладилар.

— Ваъда бердингми, уни бажар, — дейди ўртоқ Ж. Элмуродов, — акс ҳолда ғалвирни сувдан кўтарганда эл-юрт олдида юзинг шувит бўлади. Буни бригадамиз аъзолари яхши билишади. Шу сабабли ҳам улар ўз устларига олган социалистик мажбуриятнинг шараф билан бажарилишини таъминлаш учун шу кеча-кундуздаги ҳар бир ғанимат фурсатдан унумли фойдаланмоқдалар. Юқори агротехника қоидалари асосида экилган чигитлар текис униб чиқди. Чигит униб чиқиши билан парваришни бошлаб юбордик. Эрта-индин иккинчи парваришга киришмоқчимиз.

Ҳа, шундай, бригада аъзоматлари дастлабки кунларданоқ зўр ҳиммат кўрсатиб меҳнат қилдилар. Далаларни ям-яшил квадратлар қоплаган.

Ю. АБДУАЛИМОВ.

Фоторепортаж

АҲДИГА ВАФОДОРЛАР

Фикрет Сефиршаев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси аъзолари бу йил эл хирмонига камида 500 тонна «оқ олтин» тўкиш учун курашга бел боғлаганлар. Улар ўтган йили ҳам зўр шижоат кўрсатиб меҳнат қилиб, гектаридан 50 центнерга етказиб ҳосил олган эдилар. Бу ҳосилнинг асосий қисми машина билан терилди. Бунда Фикрет Сефиршаев кўпчиликка ўрнак бўлди. Унинг бир ўзи мавсумда машина бункеридан хирмонга 308 тонна «оқ олтин» тўкди.

Бригадада ҳаммаси бўлиб 18 киши ишлайди. Улар она-Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан адо этиш учун бу йил киши бошига 31 тоннадан пахта ҳосили етиштиришлари керак. Ҳўш, ваъданинг қуруқ сўз бўлиб қолмаслиги учун бу ерда қандай намуналар ишлар қилинаяпти?


ТУНГИ ЧИРОҚЛАР

Қуёш дарахтларнинг ям-яшил барглaридаги сўнгги нурларини йиғиштириб олди. Қоронғи тушди. Биз дала бўйлаб юриб борардик. Шу пайт узоқ-узоқлардан хирароқ ёғдулар кўзга ташланди. Фикрет Сефиршаев ўша ёруғ чироқларни кўрсатиб деди:

— Кундуз куни кўрган сувчиларингиз Анорқул ота билан Эргашполвон отамиз. Суғоришаяпти.

Бу исмлар бизга таниш туюлди. Ҳа, кечагина улар ҳақида бригадир гапириб берган эди. Юз гектар майдондаги ғўзаларни парвариш қилишда, озиқлантиришда жўякларга сув тарашда, бегона ўтлар томирини қуритишда бу азаматлар ҳар қанча шижоат билан ишламасин, барибир қийин-да. Ҳаво анча қуруқ келди. Ям-яшил ғўзалар сув деб турибди. Ҳа, уларнинг қони ҳам, жони ҳам, дармони ҳам сув. Сув билангина бўй чўзади, чин баргларини кўпайтиради.

Бригаданинг катта майдондаги ғўзаларини бир вақтнинг ўзида суғоришга тўғри келди. Битта-иккита сувчи билан иш



Кекса сувчи Эргаш ота МАНБОЕВ.

битмайди. Ҳаммани сув билан банд қилиб қўйиш ҳам тўғри келмайди. Ғўзаларга ишлов бериш кечикади, вақтида озиқлантириш қийинлашади. Хулас, юқори ҳосил етиштириш учун астойдил курашадиган долзарб кунлар етиб келган. Шундай кунларда бригадир тиниб-тинчирмиди? Йўқ, кундузи ҳам, кечаси ҳам ғўзалар ҳақида қайғиради. Бригада аъзолари билан маслаҳатлашади. Улар суғоришни жуда теълик билан сифатли ўтказишни маслаҳат беришади.

Отахонлар рўпарадаги картада сув тарашар эди. Кечаси сув қўйиладиган майдонлар кундуз куни тайёрлаб қўйилган. Шу сабабли ҳам бу ерда ғўзаларга сув тараш анча ўнгай бўляпти. Отахонлар ҳеч қандай қийналмасдан ишлашаяпти. Қўлларидаги фонарлар уларга кўмак берянти. Отахонлар бригадага кўнгилли равишда ёрдам беришга аҳд қилишган эди.

ТЎРТҚУЛОҚ ҒЎЗАЛАР

Бир учи уфқ билан туташ ям-яшил квадратлар билан қопланган далани кўздан кечириб турибмиз. Кечагина бўм-бўш бўлган бу далаларни ғўзалар қоплаб, янгича чирой яратибди. Қаёққа боқманг, кўм-кўк. Мургаккина ғўзалар эсаётган майин шабадада бош тебратади, тўртқулоқ ғўзалар ўзини кўзкўз қилади.

Мусобақадош Низом Маъдиев бошлиқ бригадада ғўзаларнинг дастлабки парвариши ҳали тугалланмаган. Аммо, бу ердачи, иккинчи парваришга киришилди.

Далада ҳаёт қайнайди. Ҳу ана, отахонлар жўяклар оралаб юришибди. Сафарали Иброҳимов. Рисбек Нишонбоев, Бодом Орипова отахонлар билан ёнмаён турибди. ғўза қатор ораларига сув таратишяпти. Номоз Абдуллаев билан Сагит Фаттоховлар ён томондаги картада ғўзаларга бири узунасига, иккинчиси кўндалангига ишлов бермоқда.

— Ҳар куни неча гектар ерга ишлов бериляпти? — сўрадик бригада бошлиғидан.

— Бизда сен бугун фалон гектар ердаги ғўзага ишлов берасан деган кўрсатма йўқ. Чунки, сон кетидан қуваман деб сифатни унутиш яхши натижа бермайди. Шу кеча-кундузда ҳар бир туп ғўзанинг соғлом ва бақувват ўсишини таъминлашда механизаторлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Биз бунга жиддий эътибор бермоқдамиз. Бу азаматлардан жуда миннатдормиз. Қаранг, бир



Кекса сувчи Анорқул ота САФАРОВ.

Автор фотолари.

йўла уч вазифани бажаришаяпти: ўсимликка ишлов ва озиқ бериш, шунингдек жўяк олиш ишлари бир вақтнинг ўзида олиб борилмоқда. Оз меҳнат сарфлаб, кўп фойда олаяпмиз.

Бригада аъзоларининг юзи албатта ёруғ бўлади. Шунда биз уларни улкан зафарлар билан қутлаймиз.

Б. ЭРҚОРОВ,
Чиноз районидаги «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхози.

БАРЧА ЖАҲОН ХАЛҚИ Н. С. ХРУШЧЕВ БИЛАН Ж. КЕННЕДИНИНГ УЧРАШУВИНИ ҚУТЛАМОҚДА

Халқаро виставкада СССР миллий куни ✻ Дўстлик ёрдами ✻ Жазоир халқи ўз миллий мустақиллиги учун курашмоқда.

ЖУДА МУҲИМ ЯНГИЛИК

СОФИЯ, 20 май. (ТАСС). Болгариянинг барча марказий газеталари Н. С. Хрущев билан Ж. Кеннедининг Венада ўтказиладиган учрашуви тўғрисидаги хабарларни биринчи саҳифаларда йирик ҳарфлар билан босиб чиқармоқдалар. Шу билан бирга, кўп газеталар бу тўғрида бош мақолалар босиб чиқардилар. Бу мақолаларда ана шу учрашувнинг ғоят муҳим эканлиги таъкидланади.

«Работническо дело» газетаси бугунги бош мақоласида бўлажак учрашувни халқаро миқёсдаги катта воқеа деб қайд қилади.

Газета қуйидагиларни ёзади: Бутун дунёдаги тинчликсевар кишилар, шу жумладан болгар халқи ҳам ана шу учрашув тўғрисидаги хабарни мамнуният билан қутиб олдилар ва СССР билан АҚШ ўртасида ҳамжиҳатлик ўрнатиш, бутун дунёда тинчликни таъминлаш соҳасида муваффақиятга эришувни астойдил истаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

«Отечествен фронт» газетаси Н. С. Хрущев билан Ж. Кеннедининг учрашуви тўғрисидаги хабарни жуда муҳим янгилик деб ҳисоблайди.

* * *

БУХАРЕСТ, 20 май. (ТАСС). СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрущев билан АҚШ президенти Ж. Кеннедининг учрашуви тўғрисидаги хабар Руминия жамоатчилигини ғоят қизиқтирди. Бухарестдаги марказий газеталарнинг ҳаммаси бу хабарни кўзга кўринарли ўринларда катта сарлавҳалар билан эълон қилдилар.

«Роминиа либера» газетаси қуйидагиларни ёзади: Совет ҳукумати бошлиғи Н. С. Хрущев билан АҚШ президенти Ж. Кеннедининг учрашуви тўғрисидаги хабар бутун дунёда мамнуният билан кутиб олинди. Жамоатчилик бу учрашувнинг халқаро кескинликни юмшатишга ҳисса қўшишини истайди.

«Скинтейя» газетаси ана шу учрашув натижасида халқаро вазият яхшиланиши мумкин, деб қайд қилади.

КОНГО АҲОЛИСИГА ЁРДАМ УЧУН

ҚОҲИРА, 20 май. (ТАСС). «Алаҳром» газетасида бугун хабар қилинишича, Конго қонуний ҳукумати медицина муассасаларининг илтимосларига кўра, Бирлашган Араб Республикаси соғлиқни сақлаш министрлиги Конгога ишлаш учун 13 врач юборишга қарор қилган.

Бирлашган Араб Республикасининг баъзи фармацевтика корхоналари, деб ёзади газета, Конго аҳолисига ёрдам учун «кўпгина миқдорда дори-дармон ажратдилар, бу дори-дармонлар Стэнливилдаги Конго ҳукумати ихтиёрига берилади».

ЧАН МЕН ҲУКУМАТИНИНГ АЪЗОЛАРИ ҚАМОҚҚА ОЛИНДИ

ЛОНДОН, 20 май, (ТАСС). Рейтер агентлигининг Сеул мухбири хабар беради: Жанубий Корея ҳарбий хунтасининг раҳбарлари тўнтариш натижасида ағдариб ташланган бош министр Чан Менни ва унинг ҳўл остидаги ҳукуматнинг ўн бир аъзосини бугун кечаси қамоққа олдилар.

Прагадаги халқаро виставкада СССР Миллий куни

ПРАГА, 21 май. (ТАСС). Прагадаги Юлиус Фучик номли маданият ва истироҳат боғида жойлашган қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари халқаро кўчма виставкасида бугун Совет Иттифоқининг Миллий куни ўтказилди.

Беш мамлакат, яъни СССР, Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша, Германия Демократик Республикаси ҳамда Венгриянинг экспонатлари кўрсатилаётган бу виставка Чехословакия жамоатчилиги орасида, хусусан қишлоқ хўжалик фани ва техникаси ходимлари орасида муваффақият қозонмоқда. Виставка очилгандан буён ўтган бир ҳафта ичида уни 30 мингга яқин киши келиб кўрди.

Бугун Совет Иттифоқи Миллий куни муносабати билан виставка территориясида тантанали мажлис бўлди. Мажлисда Чехословакия қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти А. Клечка, СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси М. В. Зимянин ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар.

Чехословакия қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг биринчи вице-президенти И. Котятко ўз нутқида совет қишлоқ хўжалик фани ва техникасининг катта ютуқларини таъкидлаб ўтди. СССР нинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси М. В. Зимянин виставка қишлоқ хўжалик фани ва техникасини ривожлантириш учун, қишлоқ хўжалигида илмий тадқиқотлар соҳасида иш тажрибаларини ўртоқлашиш учун катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

В. И. Ленин номидаги қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг корреспондент аъзоси П. Н. Листов доклад қилди. Шундан кейин совет павильони кўздан кечирила бошланди.

Жазоир ҳукумати вакилининг матбуот конференцияси

ЖЕНЕВА, 21 май. ТАСС мухбирларидан **А. Баранов** ва **И. Мак. симовский** хабар берадилар:

Эвиан-ле-Бенда Франция ҳукумати ва Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати вакиллари ўртасида бўлган дастлабки расмий учрашувдан кейин Жазоир ҳукумати делегациясининг аъзоси Малик кеча кечқурун Женевадаги матбуот уйида матбуот конференцияси ўтказди. Малик бу матбуот конференциясида бу музокаралар вақтида ўз делегацияси тутган позицияни таърифлаб берди ва матбуот вакилларининг саволларига жавоб қайтарди.

Ана шу дастлабки учрашув вақтида ҳар иккала томон ўз позициясини баён қилиб берганлигини уқтириб, Малик Жазоир Республикаси ҳукуматининг фикрича, ҳозирги музокараларнинг мақсади—Жазоир халқининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга ошириш гарантияларини муҳокама қилишдан иборат эканлигини айтди.

Малик мамлакатнинг территориал бутунлиги Жазоир халқининг мустаҳкам принципи эканлигини айтиб, Саҳройи Кабир Жазоир территориясининг таркиби қисми эканлигини кўрсатиб ўтди.

Малик Франция ҳукуматининг Жазоирдаги француз армиясининг «Ҳужум операцияларини» тўхтатиш ҳақида бир томонлама қарорига тааллуқли ва Жазоир ҳукуматининг бундан бир неча йил муқаддам француз разведкаси томонидан хиёнаткорона қўлга олинган беш аъзосини бошқа қамоқхонага кўчириш ҳақидаги, шунингдек Жазоир сиёсий махбусларидан бир неча минг кишини концентрацион лагерлардан озод қилиш ҳақидаги қарорларига тааллуқли тадбирларига тўхталиб ўтди.

Франция ҳукуматининг Жазоирдаги уруш операцияларини бир ойга тўхтатиш ҳақидаги қарори муносабати билан Малик Жазоир Республикаси муваққат ҳукуматининг баёнотини ўқиб эшиттирди.

Франция ҳукуматининг бир ўзи томонидан кўрилган бу чора баёнотда пропаганда мақсадларида қилинган иш деб баҳо берилади. Жазоир ҳукумати шуни таъкидлайдики, ғап Жазоир халқининг миллий мустақиллиги учун, бос-қинчилардан иборат француз армиясига қарши олиб борилаётган кураш ҳақида бораётганлиги сабабли жангларни тўхтатиш ҳақидаги қарор Жазоир проблемасини умуман ҳал қилиш тўғрисидаги сиёсий битимнинг оқибати бўлиши мумкин, халос. Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати томонидан кўрилган бу тадбир Жазоир халқига ҳеч қандай гарантияни таъминламаганлигини таъкидлаб, бундай бир томонлама қарор уни сира ҳам боғлаб қўймаслигини баён қилади.

Малик Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати делегацияси Жазоир Республикаси ҳукуматининг ҳозирги вақтда Францияда қамоқда сақланаётган беш аъзосини музокараларда иштирок этишга жалб этишни Франция томонидан талаб қилди, деди.

Франция ҳукуматининг сиёсий махбуслардан бир неча минг кишини озод қилиш ҳақидаги қарорига келганда Жазоир вакили бу тадбир Жазоирдаги ҳақиқий аҳволни сира ҳам яшира олмаслигини эслатиб ўтди. Биз, деди у, Жазоир ватанпарварларидан неча юз минглаб кишиларигидек ҳозир ҳам Жазоирдаги ва Франциядаги турмаларда азоб чекаётганликларини, жазоирликлардан икки миллион киши эса, чинакам концентрацион лагерларида сақланаётганликини унутаётганимиз йўқ. Пировардида Малик шуни уқтириб ўтдики, Жазоир халқи ўз миллий озодлиги учун, мустамлака зулмини тугатиш учун бошлаган курашини давом эттирабериш қатъий бел боғлагандир.

УММОН ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАРИ

ПАРИЖ, 21 май. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг мухбири Дамашқдан хабар беради: Уммон имомининг Дамашқдаги бюроси томонидан эълон қилинган ахборотда айтиладики, Уммонда уруш ҳаракатлари давом этмоқда.

3 майдан 10 майгача Уммон жангчилари билан инглиз отрядлари ўртасида рўй берган тўқнашувлар вақтида, дейилади ахборотда, инглиз унтер-офицерларидан икки киши ўлдирилган ва инглиз солдатларидан 10 киши ярадор қилинган.

БАҒДОДЛИК ПИЛЛАЧИЛАРДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИК!

КОЛХОЗ ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ. (Ўз мухбиримиздан). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Хван Ман Гим раислик қилаётган «Политотдел» колхози пилла тайёрлаш давлат планини районда биринчи бўлиб бажарди. Колхоз давлатга 13 тонна аъло навли пилла топширди. Бу планда кўрсатилганидан икки тонна ортиқ демакдир.

Пиллалан мўл ҳосил етиштиришда ўртоқ А. Абдураҳмонов бошлиқ бригада аъзолари бошқаларга ўрнак бўлдилар. Ҳар қути пилла қурти уруғидан 80 килограмма етказиб «оқ олтин» олинган эди. Уларнинг бу йилги аҳди гектаридан 55 центнердан ҳосил етиштиришдир.

Шундай, бригада аъзолари пахтачилик билан бирга пиллачиликда ҳам бой тажриба эгалари ҳисобланадилар. Айниқса бригаданинг Бибра Тошпўлатова, Мунаввар Иброҳимова сингари пиллачилик звенолари бу йил ҳам байроқни ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Ҳар қути қурт уруғидан 101—103 килограммдан пилла топширилди.

Бундай зарбдор пиллачилик звеноларини бошқа бригадалар мисолида ҳам кўрса бўлади. Масалан, Пак Ольгани олайлик. Бу звенода ҳар қути пилла қуртидан 100 килограммдан ошириб ҳосил олинди. Колхозда пилла топшириш қизғин давом этяпти.

Она-Ватанга пландан ташқари яна икки тонна пилла ҳосили топширамиз. Колхоз пиллакорлари ана шу юксак аҳдларига амалий иш билан жавоб бериш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

САМАРАЛИ МЕҲНАТ НАТИЖАСИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг ипакчилик факультети студентлари ўз назарий билимларини тажриба билан мустаҳкамлаш мақсадида бу йил институтнинг ўқув-тажриба хўжалигида турли нав тут кўчатларини парвариш қилган эдилар. Кўчатлар сербарг бўлди. Натижада бу ерда 8 қути қурт уруғини боқиш учун имконият туғилди.

Аълочи студент Холмамат Исмоилов бошчилик қилаётган пиллачилар бригадаси қурт боқишда бошқаларга ўрнак бўлди. Қуртларга вақтли-вақти билан барг ташлаб турилди, биноларнинг тозалиги ҳамиша кузатиб турилди. Студентлардан Шарифа Асадова, Ойтўти Раҳимова, Ҳошим Боқижонов ва Замира Тўхтасова ўртоқлар ипак қуртини парвариш қилишда яқиндан туриб ёрдамлашдилар. Ҳар қути ипак қуртидан 100 килограммдан етказиб пилла топшириш учун кураш кетмоқда.

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Э. ЭРГАШЕВ.

ЁШ ПИЛЛАЧИЛАР

Андреев номли 28-сон мактаб пиллачилари ўтган йили пилла уруғини парвариш қилиб, унинг ҳар қутисидан 74 килограммдан пилла топширишга муваффақ бўлган эдилар. Улар бу йил янада кўпроқ пилла топширишга бел боғладилар. Мактабнинг 7-синф ўқувчиси Ҳосият Умарова бошлиқ пиллачилик бригадаси Норбиби Мамарасулова бошлиқ бригада аъзолари билан белпашган эдилар. Ҳар қути пилла уруғидан 80 килограммдан пилла ҳосили топшириш учун курашаётган бу бригада аъзолари ипак қуртларини меҳр билан парвариш қилдилар. Натижада қуртлар қисқа вақт ичида ипак ўрашга киришди.

Гулистон районидаги бу мактаб ўқувчилари шу кунларда пилла териш ва топширишни зўр уюшқоқлик билан ўтказмоқдалар.

Х. САФАРОВ.



Оржоникидзе районидаги «Сталинград» колхозининг аъзолари шу колхозда 12 йилдан бери шофер бўлиб ишлаб келаётган Маъриф Соиповни яхши танийдилар. У бу йил баҳорда пилла боқиш хоҳишини ҳам билдирди ва пиллачилик звеносининг бошлиғи этиб тайинланди. Яқинда мухбиримиз звено аъзоларининг иши билан танишди. Улар тўрт қути қурт уруғи боқиб, унинг ҳар қутисидан 60 килограммдан пилла топшириш мажбуриятини олганлар. Звено аъзолари шу кунгача 50 процентдан ортиқ пилла топширидилар. Суратда: (чапдан) звено бошлиғи Маъриф Соипов, Тилла Абдураҳмонова, Мукаррама Ғуломова, Аноржон Мирзааҳмедова ўртоқлар пилла термоқдалар.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ“

3-БЕТ, 23 МАЙ, 1961 ЙИЛ.

Область районларида пилла тайёрлашнинг бориши ҳақида 22 майгача бўлган

М А Ъ Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Ҳаммаси	Бир кунлик ўсиш	Районлар	Ҳаммаси	Бир кунлик ўсиш
Калинин	**86,2**	**10,1**	**Ўрта Чирчиқ**	**55,1**	**8,6**
Оққўрғон	**84,0**	**4,3**	**Гулистон**	**49,1**	**10,8**
Оржоникидзе	**77,5**	**5,6**	**Бўка**	**45,2**	**10,9**
Чиноз	**75,6**	**8,1**	**Янгийўл**	**42,5**	**8,4**
Сирдарё	**67,8**	**7,1**	**Янгиер**	**33,1**	**6,1**
Бекобод	**65,2**	**7,5**	**Юқори Чирчиқ**	**27,2**	**5,7**
Пискент	**63,4**	**11,3**	**Оҳангарон**	**3,3**	**1,5**
Қуйи Чирчиқ	**57,7**	**10,1**	**Бўстонлиқ**	**2,5**	**0,7**

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ҚУҚОНЛИКЛАР ТАШАББУСИГА ҚЎШИЛИБ

Ўртоқ Т. Кардаш бошлиқ Қўқон тикувчиларининг етти соатлик топшириқни олти соатда бажариш ташаббуси Чирчиқдаги тикув фабрикаси коллективи ўртасида кенг ёйилмоқда. Р. Антонова ва М. Малкова ўртоқлар бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, янги оширилган мажбурият олдилар. Бу коллективлар норма бўйича 140 та болалар костюми тикади. Ҳар иккала бригада тикувчилари шунча костюмни олти соат ичида тикиб, қолган вақт ичида пландан ташқари маҳсулот беришга қарор қилдилар. Улар мажбурият олинган дастлабки кундаёқ 160—165 тадан костюм тайёрлай бошладилар.

МЕДИЦИНА ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Шаҳар бирлашган касалхонаси ходимлари меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатиш юзасидан янги тадбирлар ишлаб чиқмоқдалар. Беморларни рўйхатга олиш жойи кўпайтирилиб, ҳар бир бемор ўз участкасига қарашли рўйхат олиш жойидан ўтадиган бўлди. Натижада касалхонада навбат кутиб туриш ҳоллари тугатилди.

Бу ерда ҳозир регистратурасиз ишлашга ўтиш учун тайёргарлик кўрилмоқда. Регистратура ўрнида справка бюроси бўлиб, бемор вестибюлдаги навбатчи ходимга исм-фамилиясини айтиши кифоя. Навбатчи унга қайси врачга учрашиши лозимлигини айтиб беради. Бундан ташқари, яқиндан бошлаб беморлар бюллетенни врачнинг қабулида унинг ўзидан оладиган бўлдилар.

ФОТОСУРАТЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Шаҳардаги ўлкани ўрганиш музейи янги тарихий ҳужжатлар, экспонатлар билан кун сайин бойиб бормоқда.

Музейдаги чирчиқликларнинг шонли меҳнат ғалабаларига бағишланган бўлим ҳам кенгайтирилаётир. Музей ходимлари етти йиллик ичида шаҳарда бўладиган ўзгаришларнинг фототарихини вужудга келтиришга қарор қилдилар. «Социалистический Чирчик» газета редакцияси билан бирга шаҳар ҳаётини акс эттирувчи энг яхши расмлар учун конкурс эълон қилинди.

В. ПРИШЧЕПА.



Пропагандист студентлар

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институти юқори курс студентлари пойтахтдаги айрим саноат корхоналарида бўлиб, қизиқарли темаларда мазмунли лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар. Ёш пропагандистларнинг Октябрь Революцияси номли завод ишчилари орасида ўқиётган лекциялари ҳаммага манзур бўлмоқда.

Саноат ва граждан қурилиши факультети студентларидан Л. Расудованинг коммунистик тарбия ҳақидаги лекцияси катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, шу факультетнинг Л. Антипова, Д. Гайнулина, А. Прянхина каби актив лекторлари томонидан ўтказилган суҳбатлар ҳам ўз темасининг актуаллиги ва мазмундорлиги билан ажралиб туради.

Студентлар мазкур корхонада ишлаб чиқариш технологияси билан боғлиқ бўлган темалар юзасидан ҳам лекция ва суҳбатлар ўтказишни планлаштириб қўйишган.

М. КЕРЖНЕР.

Шаҳар радиогазетаси

Оҳангаронда жамоатчилик кучи билан шаҳар радио эшиттириш редакцияси ташкил қилинди. Маҳаллий радионинг эшиттиришлари ҳар ҳафтада берилиб туради. Оҳангаронликлар радио орқали шаҳар ахбороти, корхоналардан ёзиб олинган репортажлар ва ишлаб чиқариш новаторларининг сўзларини эшитадилар.

(ЎзТАГ).

Университетда ғўза физиологияси ўрганилмоқда

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетида студентларни илмий-тадқиқот ишлари олиб боришга жалб этиш масаласига жиддий эътибор берилаётир. Студентлар илмий жамиятининг аъзоси бўлган айрим ёш тадқиқотчилар республика халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни илмий асосда ўрганмоқдалар. Бу жиҳатдан университет биология-тупроқшунослик факультети студентларининг тадқиқот ишлари диққатга сазовордир.

Факультетнинг бир группа студентлари тажрибали ўқитувчилар раҳбарлигида ғўза физиологиясини ўрганиб, пахтадан мўл ҳосил етиштиришга алоқадор бўлган анчагина муҳим масалалар юзасидан дурустгина илмий иш тайёрладилар. Масалан, V курс студенти Мирзараҳимов ўсимликлар физиологияси ва биохимияси кафедрасининг доценти А. Тошчевиков раҳбарлигида «Чигитнинг паст температурада заҳарли моддалар таъсирига чидамлилиги» деган темани ишлади. Илмий иш бевосита лаборатория тажрибалари асосида олиб борилди. Чигит 3-5 градус иссиқликда сақланиб, унга «ТМТД» ва «Миркуран» заҳарли моддалари таъсир эттирилди. Натижада чигит муддатидан 20 кун илгари униб чиқди ва унинг намлиги ҳам ошди.

Шу кафедра доценти Н. Тодоров раҳбарлигида V курс студенти Н. Павловская «Гибберлиннинг ғўза ривожига таъсири» деган тема устида илмий иш олиб борди. Студент қўзиқоринидан олинадиган гибберлин моддасини узум ва бошқа мевали ниҳолларга ҳамда гулга таъсир эттириб кўрди. Натижада у ўсимликларнинг ҳосили бир ярим-икки баравар катта бўлиб етилди. Худди шу модда ғўзага шоналаш олдидан таъсир эттирилганда ҳам, ижобий натижага эришилди. Шунингдек, V курс студенти Н. Кузнецова ғўза гуллаши олдидан унга радиактив моддаларни таъсир эттириш орқали шонанинг тез етилиши устида тадқиқот олиб борди.

Факультет студентларининг юқоридаги каби қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган илмий ишлари партиямизнинг навбатдаги XXII съездига бағишланиб университетда яқинда ўтказилган илмий конференцияда юқори баҳоланди. Конференция қатнашчилари биология-тупроқшунослик факультети ёш тадқиқотчиларининг илмий ишлари республикамизда пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришга яхши ҳисса бўлиб қўшилади деб баҳоладилар.

М. ТУРОПОВА.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология институти минеография лабораториясининг старший илмий ходими, геология-минерология фанлари кандидати Мунира Кучликова шу илмий тадқиқот муассасасида 17 йилдан бери ишлаб келмоқда. Олима Ўзбекистоннинг ғарбий ва Олмалиқ ҳамда Қолмиқирдаги руда конларини топиш ҳамда улардан халқ хўжалигида фойдаланиш ишига катта ҳисса қўшган. Ҳозир Кучликова «Қорамозор» тоғлари конларининг минералогияси» деган тема устида ишламоқда. Суратда: Мунира Кучликова навбатдаги экспедициядан олиб келган минерал намуналари устида анализ ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ШАҲАРЛИКЛАР УЧУН

Чирчиқдаги электрокимё комбинатининг йирик ёрдамчи хўжалиги ҳамда «Ҳосилот» узумчилик совхози бирлаштирилиб, «Химик» совхози ташкил қилинди. Совхознинг минг гектардан ортиқ сугориладиган ерлари, мевазор боғлари бор. Совхоз ишчилари шаҳар меҳнаткашлари учун сабзавот, гўшт, сут, тухум каби маҳсулотлар етказиб берадилар.

Т. Урунов.

ТУРСУНОЙЧИ ҚИЗЛАР

Ўтган йили ўнинчи синфни тамомлаган Тинис Мусабекова колхозда ишлаб, мавсумда 18 тонна пахта терган эди. У бу йил пахтани машинада теришга аҳд қилди. Дугонаси Сирга Хўжамқулова ҳам Тинисинг кетидан эргашди. Киров номли колхоз правлениеси меҳнатсевар бу икки қизни Вревскийдаги қишлоқ хўжалигини механизациялаш мактабига ўқишга юборди.

Ҳозир Вревскийда Оржоникидзе районидан борган 30 дан ортиқ қиз техникани ўрганмоқда.

Ж. Ҳошимов.

БУ ЖОЙЛАР ҚАҲРАМОН НОМИГА ҚЎЙИЛДИ

Алимкент қишлоқ Советига қарашли Кўрғонтепа кўчасида яшовчи меҳнаткашларнинг илтимосига биноан меҳнаткашлар депутатлари Алимкент қишлоқ Совети ижроия комитети бу кўчанинг номини ўзгартирди. Кўча дунёда биринчи бўлиб космосга учган совет космонавти Юрий Гагарин номига қўйилди. Шунингдек, райондаги «Озод» номли 9-мактаб ҳам Ю. А. Гагарин номи билан атала бошланди.

М. Ойдинов.

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

УСТА БИЧИҚЧИ



Суратда: бичувчи ўртоқ П. Падгаецкий иш устида. А. Абалян фотоси.

Кўриниши чиройли, сипо, кишининг ўзига ҳам, бошқаларга ҳам манзур бўладиган кийим учун матазиндан яхши газлама танлаб олишгина кифоя қилмайди. Уни ўз касбини яхши биладиган бичиқчи ва моҳир тикувчи қўлига топшириш керак. Ана шунда материал ўз ҳусни-жамолини кўрсатади қўяди. Агар бичиқчи ва тикувчи нўноқ бўлса, ўз ишини яхши билмаса, қимматбаҳо материалдан тикилган кийим ҳам ёқимсиз чиқиши мумкин.

Ўттиз йилдан бери бичиқчилик касби билан шуғулланиб келаётган Петр Иосифович Падгаецкий кийим бичишни жуда ўрнига қўядиган усталардан ҳисобланади. Тошкент универмагига қарашли 1-модалар ателъесига мурожаат қилиб турадиган буюртмачилар доим унинг ишидан мамнун бўлишади. Ўртоқ Падгаецкий ўз касбининг моҳир устаси бўлиши билан бирга буюртмачиларга нисбатан хушмуомалалиги, ёш кадрларни меҳр қўйиб тарбиялаши билан ҳам ажралиб туради.

— Бичиқчилик жуда масъулиятли иш,— дейди Петр Иосифович.— Агар материални бичиш вақтида уста бепарволик қилиб, газламадан бир сантиметр ортиқ ёки кам кесиб қўйса борми, вассалом, кийим бузилади, заказчи сиздан безийди.

Ўртоқ Падгаецкий доим ўзининг шу фикрига амал қилиб ишлайди. Устага бир марта костюм ёки шим буюрсангиз бас, кейин унинг доимий заказчиси бўлиб қоласиз.

Петр Иосифович узоқ йиллик иш фаолияти давида ўз касбини жуда кўп ёш чеварларга ўргатди. Унинг тарбиясини олган Мария Ефименко ва Маргарита Шукина ателъенинг энг яхши чеварлари ҳисобланади. Тажрибали уста қўлида 12 бичиқчи ишлайди. Шулардан қарийб ярми ёшлар бўлиб (Қурбонов, Ниёзова, Ҳамидова, Насруллаева ва бошқалар), улар бригадага ўтган йили қабул қилинган эдилар. Ҳозир Ҳамидова уста бичиқчи бўлиб етишди. У бичишнинг ҳамма операцияларини пухта эгаллаб олган. Бошқа ёш чеварлар ҳам касбни пухта эгаллашда Петр Иосифовичдан яхши ёрдам олиб турибдилар.

Ўртоқ Падгаецкий бошлиқ бригада топшириқ бўйича ҳар ойда 70 дан ортиқ костюм, шим ва пальто тикиши керак. Бригаданинг моҳир чеварлари буюртмаларни сифатли қилиб, ўз вақтида тайёрлаш билан бирга, ойлик ва квартал топшириқларни доим ошириб бажаришади.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

УФАДА ЎЗБЕКИСТОН РАССОМЛАРИ АСАРЛАРИ ВИСТАВКАСИ

УФА, 21 май. (ТАСС). Ўзбекистон ССР халқ рассомлари У. Тансиқбоев ва У. Жўрақулов асарларининг Уфада очилган выставкаси зўр муваффақият қозонмоқда. Экспозицияларда У. Тансиқбоевнинг 50 дан кўпроқ асарлари бор. Бу асарларда Совет Ўзбекистонининг ажойиб пейзажлари тасвирланган. У. Жўрақуловнинг асарлари зўр маҳорат билан ишланган керамика буюмларидан иборат.

ИЖОДИЙ ИМТИҲОН

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

А. Лохутий номидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тожикистон Давлат академик драма театри артистлари пойтахтимизда тамошалар кўрсата бошладилар. Меҳмонлар орасида СССР халқ артистлари Муҳаммаджон Қосимов, Туҳфа Фозилова, Тожикистон ССР халқ артистлари София Тўйбоева, Хожиқул Раҳматуллаев, Абулхай Қосимов ва бошқалар бор.

Тожик халқининг бу севимли театри республиканинг энг кекса ижодий коллективларидан ҳисобланади. Театр 1929 йилда Бухоро шаҳрида бир гуруҳ ўзбек санъаткорлари билан ҳамкорликда вужудга келган. Мана шу фактнинг ўзи ўзбек халқи билан тожик халқи ўртасидаги дўстона алоқаларнинг, ўзбек санъати билан тожик санъати ўртасидаги муштаракликнинг яққол ифодасидир.

Театр ўтган 32 йил ичида катта ижодий йўлни босиб ўтиб, маҳорати беқиёс юксалган, тамошабин муҳаббатини қозонган коллективга айланди. У тожик тамошабинларини рус, тожик ҳамда чет эл халқларининг энг яхши саҳна асарлари билан таништириб келмоқда.

Ҳозирги вақтда бу ижодий коллективнинг репертуари жуда бой ва рангба-рангдир. Театр саҳнасида кўрсатилаётган спектакларнинг кўпчилигини ҳозирги замон темасидаги асарлар ташкил қилади. Булар тожик драматурги Ансорийнинг ёшлар ҳаётидан олиб ёзилган «Ҳаёт ва ишқ», «Имтиҳон» асарлари, Ш. Қиёмов ва А. Морознинг «Севганидан айрилмасин», Ш. Қиёмов ва Фарҳаднинг «30 тийин штраф» каби асарларидир. «Севганидан айрилмасин», 1957 йилда Москвада тожик санъати ва адабиёти декадасида кўрсатилиб, катта муваффақият қозонган. Водевиль характеридаги бу асар эски урф-одатларни, бой-феодалларча характерда бўлган кишиларни танқид қилади. Меҳмонларимиз бу спектакллар билан бирга С. Айнийнинг асари асосида Жалол Икромий ёзган «Дохунда», Сотим Улуғзоданинг «Рудакий», Хитой драматурги Сао Линнинг «Момақалдироқ» пьесаларини ҳам кўрсатадилар. Театр драматурғи Носировнинг «Қулаш» деб аталган янги пьесасини биринчи марта Тошкентда саҳнага қўяди.

— Бу ерга катта ижодий имтиҳондан ўтиш учун келдик,— дейди театр директори Ўртоқ Иззат Орипов.— Ўзбек тамошабинлари билан учрашувларимиз, ҳамкасбларимиз билан қиладиган суҳбатларимиз коллективимиз маҳоратини янада оширишга катта ёрдам беради деб ўйлаймиз.

С. МУСАЕВ.

Физкультура ва спорт

УЗБЕК БАСКЕТБОЛЧИЛАРИ ВА ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРИ «А» КЛАССИДА

Пойтахтимизнинг «Старт» стадионида 8 та хотин-қиз баскетбол командалари —Қозоғистон, Туркманистон, Молдавия, Тожикистон, Қирғизистон, Арманистон ССР вакиллари «А» классига ўтиш ҳуқуқини олиш учун мусобақалашдилар. Бу зонал биринчиликда Ўзбекистондан «Ташгекстильмаш» заводи ва Фаргона педагогика институти командалари қатнашди.

Етти кун давом этган курашдан сўнг дастлабки тўрт ўринни эгаллаган командалар «А» классида ўйнаш ҳуқуқини олдилар. Булар турнирни битта ҳам мағлубиятсиз ўтказган Молдавия ССР баскетболчилари ҳамда Қирғизистон. Қозоғистон ва «Ташгекстильмаш» заводи спортчиларидир.

Армия спорт клубининг волейбол майдонида хотин-қиз волейболчи командалари юқори классга ўтиш учун курашди. Келгуси йил «А» классида ўйнаш ҳуқуқини Литва, Туркманистон ва Қирғизистон командалари олдилар. Тошкент радиолампа заводи волейболчи аёллари ҳам мусобақанинг сўнгги кунида Тожикистон командасини 3:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратиб, бу ҳуқуққа эга бўлди.

ТРАДИЦИОН ЭСТАФЕТА

Ўтган якшанба куни юзлаб тошкентликлар «Правда Востока» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталарининг мукофоти учун ўтказилган эстафетани кўриш учун кўчаларга чиқдилар.

Соат 18 да старт берилди. Қизил, сариқ ва кўк майкалик югурувчилар финишга қараб интилдилар. Давлат физкультура институти, «Динамо», «Спартак», «Меҳнат» ва бошқа кўнгилли спорт жамиятларининг енгил атлетикачилари, ўқув юртлари ва саноат корхоналари ҳамда мактабларнинг физкультура коллективлари югурувчилари фахрли мукофотни олиш учун қизғин курашдилар. Эстафетада ҳаммаси бўлиб 1056 спортчи қатнашди. Биринчи этапданоқ Ўзбекистон Давлат физкультура институти спортчилари олдинга ўтиб кетадилар ва «Пахтакор» стадионида финишга биринчи бўлиб келадилар. Улар 11425 метр масофани 29 минут у 14,8 секундда босиб ўтдилар. Шундай қилиб физкультурачи студентлар ўтган йилгидек бу сафар ҳам газеталар мукофотини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. «Динамо» 4-район Совети командаси иккинчи, транспорт институти вакиллари учинчи ўринни олдилар. Бу командаларга ҳам мукофотлар ва фахрий ёрлиқлар берилди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

ГРУШЕВСКИЙ ОЛДИНДА

Шахмат бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари давом этмоқда. 13-турда мусобақа пешқадамлари Грушевский ва Будорин ўзаро учрашдилар. Ўйин Грушевскийнинг усғунлиги билан кечиктирилди. Хожибеков Қосимовни, Шахзода Надеждинни, Сарваров Каримовни, Бирбрагер Қосимовни ютдилар. Ибодуллаев Горев билан дуранг қилди. Қолган партиялар кечиктирилди. 13-турдан сўнг Грушевский 11 имкониятдан 8,5 очкога эга бўлди. Шахзода 12 имкониятдан 8,5 очко тўплади.

И. БИРБРАГЕР.

Чехословакиядан келган меҳмонлар

Словакия Компартияси Марказий Комитетининг органи «Правда» газетасининг бош редактори, Словакия Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси О. Клокоч Ўзбекистон бўйлаб қилган сафаридан Тошкентга қайтиб келди. О. Клокоч КПСС Марказий Комитетининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Чехословакия Компартиясининг масъул ходимлари группаси составига киради.

О. Клокоч Самарқандда бўлиб, бу ерда шаҳарнинг партия ва совет активлари орасида «Чехословакия Компартиясининг 40 йиллиги — социализм ва коммунизм учун курашнинг қирқ йиллигидир» темасида лекция ўқиди. У Самарқанд ҳаёти билан танишиб, Бутуниттифоқ Қорақўдчилик институтида, чой қадоқлаш ва пиллакашлик фабрикаларида бўлди, тарихий ёдгорликларни кўздан кечирди. Чехословакиядан келган меҳмон Бухорода ҳам бўлди. Ғиждувон районидаги Калинин номли колхозга борди.

О. Клокоч 22 майда Тошкент журналистлари билан учрашди. У, журналистлар билан бўлган дўстона суҳбатда ўзининг бутун куч-ғайратини социалистик қурилиш ишига бағишлаётган қардош республика матбуот ходимларининг фаолияти тўғрисида гапириб берди.

О. Клокоч 23 майда Тошкентдан Москвага жўнаб кетади.

(ЎзТАГ).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Тошкент янгиликлари

Халқ театри репертуарида 23 спектакль

«Ташсельмаш» заводи клубининг драма труппасига халқ театри номи берилди. Ўзбекистонда энг кекса труппа ҳисобланган бу коллективга ҳаваскорларнинг охирги республика кўригида биринчи даражали диплом тақдим этилган эди.

Янги халқ театрининг репертуарида 23 та саҳна асари бор. Ф. Шиллернинг «Макр ва муҳаббат», А. Островскийнинг «Камбағаллик айб эмас», А. Корнейчукнинг «Платон кречет» пьесалари шулар жумласидандир.

Машинасозлар клубининг ҳаваскор артистлари фақат сўнгги беш йилнинг ўзида ўз мухлисларига 200 та спектакль кўрсатдилар.

Завод ҳаваскорлари саҳнаси актёрлик маҳоратининг катта мактаби бўлиб қолган. Шу коллективдаги ҳаваскор артистлардан 5 киши махсус ўқув юртларида таълим олиб, санъат чўққиларини эгаллашга бел боғладилар. Улар театр-рассомлик институти ва консерваторияда ўқиб, яна иккинчи касбни эгаллайдилар.

«Ташсельмаш» заводи клубининг ҳаваскорлар коллективи Ўзбекистондаги 24-халқ театридир.

Поездларнинг ҳаракати радио орқали бошқарилмоқда

Тошкент депосидаги бугун локомотив парки радиопоезд алоқаси учун установкалар билан ускуналанган. Ана шундай аппаратлар темир йўл Тошкент ва Урсатьевск бўлимларининг бир қанча станцияларида ҳам ўрнатилган. Радиопоезд алоқаси икки юз километрлик масофада тамомила ишга туширилди. Энди бу участкада поездларнинг ҳаракати радио орқали бошқарилади. Бу эса графикнинг бажарилишини яхшилаб, юк ташишни тезлаштирди.

Темир йўлда радиоалоқа тобора кенг жорий қилинмоқда. Ҳозирги вақтда барча энг йирик станциялар радиоалоқа билан жиҳозланган. (ЎзТАГ).

56 хил янги маҳсулот

Тошкент шаҳар ижроия комитети саноат бошқармасига қарашли корхоналарнинг коллективлари кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқдалар. Завод ва фабрикаларда шу йилнинг ўтган биринчи квартали ичида ҳаммаси бўлиб 56 хил янги буюмлар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Электр буюмлар ишлаб чиқарадиган завод ишчилари электр дазмоллар, электр асбоблари жиҳозлари ва бошқа янги хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Айниқса, тўқимачилик ва тикув фабрикаларининг коллективлари бу соҳада баракали ишлашяпти. Улар 22 хил янги тўқимачилик маҳсулотлари ва кийимкечакларни кўплаб ишлаб чиқарабошладилар. Масалан, эркаклар, аёллар ва болалар учун жинсеткалар, сунъий қоракўлдан болалар пўстини, капрон куйлаклар, аёллар учун эса капрон юбкалар, ҳар хил нусхадаги гиламчалар наби буюмлар тайёрлана бошланди.

Бундан ташқари, рўзғорда фойдаланиладиган ўнлаб буюмлар, оёқ кийимлари, болалар учун жуда ихчам ва сифатли ўйинчоқлар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

„ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ„
4-БЕТ, 23 МАЙ, 1961 ЙИЛ.



Суратда: «Дохунда» спектакли нинг 1-пардасидан кўриниш. Гулпор ролида СССР халқ артисти Тухфа Фозилова, Ёдгор ролида артист Нигматулла Ноябов. А. Абалян фотоси.

ТОШКЕНТНИНГ ТАНҲОША ЖОЙЛАРИДА

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 23/V да **Демон**, 24/V да **Шопенинана ва концерт** бўлими.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА— 23, 24/V да янги спектакль **Мирзо Улуғбек.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ (Муқимий номли театрнинг қишки биносида) — **Лоҳутий номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тожик давлат академик драма театрининг гастроллари** — 23/V да **Севганидан айрилмасин**, 24/V да **Имтиҳон.**

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Тинчлик осмон — «ВАТАН», (2-зала). НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Узун девор орқасида (эрталаб соат 10, кундуз 12 ва 2 да), **Сўнгги залплар** (кундуз ва кечқурун), — «МИР».

Олтин эшелон — НАВОИЙ номли (кеч соат 10 да).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Тинчлик осмон — «ВАТАН» (кеч соат 8-40 ва 10-20 минутда). НАВОИЙ номли, «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч 9 ва 10-40 минутда, ТЕЛЬМАН номли (кеч 10 яримда), ПУШКИН номли (кеч 8-50 минутда, «УДАРНИК» (кеч 8-45 ва 10 яримда).

«ГЛАВСЕЛЬСТРОЙ» ЁҒОЧСОЗЛИК КОМБИНАТИГА

дурадгорлар, станокчилар, ёрдамчи ишчилар

керак

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Малобешагаческая кўча, 313-уй. Телефон—51-909.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙОБУВЬТОРГ»

ҳозирдан 31 майгача **Октябрь бозоридаги 8-магазинда** Тошкент тўқимачилик комбинати ишлаб чиқарган

ип газламалар сотиш-виставкаси

ўтказади.

Сотиш-виставкасини келиб кўринг!

Ново-Московская кўча, 12-уй, 7-квартирада турувчи **Усмон Ҳамроевич Камоловнинг** Семиреченский проезд, 7-уйда турувчи Озода Раҳимовна Ниёзовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 3-участка халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Редакциямизнинг АДРЕСИ:

Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 136. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими. Маданият бўлими — 34048, 132. Секретариат 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50. Хатлар бўлими — 34048, 156. Эълонлар бўлими — 28142.

Р. 03945. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. В. 1601.